Жума

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноби Олийлари, Франция билан Узбекистон ўртасидаги муносабатларга мухим ахамият бераётганимни яна бир

карра таъкидламокчиман. Лунё сахнасида хавфсизлик ва баркарорликка тахдид солаётган янги хуруж ва хавфлар халқаро хамкорликни мустахкамлаш заруратини такозо этмокда. 2001 йилнинг 11 сентябрь вокеаларидан сўнг Франция ва Ўзбекистон ўзларининг террорчиликка қарши курашларининг қатъийлигини таъкидладилар. Шу боис учинчи мингйиллик бошидаги бу тахдидларга қарши курашда халқаро хамжамият саъй-харакатларини бирлаштиришга қаратилган чоралар кўрилмоқда.

Сиз Жаноби Олийларига дўстлик ва бирдамлик мактубини йўллаш баробарида тазкидламокчиманки, Франция Сизнинг мамлакатингиз билан хукукий давлат барпо этишни нихоясига етказиш, замонавий бошқарув тизимини шакллантириш хамда республика иктисодиётини дунё микёсида ракобат кила оладиган даражада юксалтиришга қаратилган ислохотларни амалга ошириш борасида хамкорликни кучайтиришга тайёрдир. Шунингдек, Франция кўп йиллик саъй-харакатларнинг давоми сифатида мамлакатингиз хавфсизлигини мустахкамлаш ишида ўз иштирокини кенгайтириш ва ушбу сохада икки томонлама хамкорликни ривожлантиришга хам тайёр.

Узбекистон ўзининг бой тарихига мос келажакни яратиш учун барча имкониятларга эга. Ун йиллик самарали хамкорлигимиз Франция учун хам, Европадаги бошқа ҳамкорлар учун ҳам Марказий Осиёдаги барқарорлик ва тараққиёт замирида ўз инъикосини топадиган стратегик манфаатларни амалга ошириш йўлида шериклик учун асос яратди.

Бугун олдимизда шу кунгача эришилган ютуқлардан фойдаланиш вазифаси турибди. Ишонтириб айтаманки, бу мақсадни амалга ошириш учун мен бор куч ғайратимни сафарбар этаман.

Президент Жаноблари, Сизга юксак эхтиромимни кабул этишингизни сўрайман.

Самимий ва дўстона ниятлар билан,

Жак ШИРАК, Франция Республикаси Президенти.

инсон хукуклари БУЙИЧА ТАЛАБАЛАР **МАРКАЗИ**

Тошкент давлат юридик институти хузурида инсон хукуклари бўйича клиника — талабалар маркази очилди. Мазкур марказ АҚШ Давлат департаментининг демократия, инсон хуқуқлари ва мехнат масалалари буйича бошкармаси такдим этган грант асосида Марказий Европа ва Евроосиё хукукий ташаббус лойихаси хамда Тошкент давлат юридик институти ҳамкорлигида ташкил


Марказий Осиёда ўхшаши йўқ бўлган ушбу талабалар марказини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсал — ёшларга инсон хукуклари ва хукукий химоя куникмаларидан сабок беришлир. Уз навбатида, талабалар Ўзбекистон фукароларига инсон хукуклари бўйича бепул хукукий ёрдам кўрсатади. Шунинглек, институтнинг юкори боскич талабалари профессор-ўкитувчилар хамда малакали хукукшунослар кузатуви остида ахолининг кам таъминланган қатламига инсон хуқуқлари масалалари

бўйича хукукий маслахатлар беради. Ушбу муассаса клиника талабалари ва мижозлари манфаатини хисобга олган холда инсон хуқуқлари бўйича бошқа халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Бу йил институтнинг 17 нафар талабаси клиника ўкув дастурлари бўйича сабоқ олади. Улар биринчи семестр давридаёқ инсон хукуклари бўйича халкаро ва миллий андозалардаги тренингларда иштирок этади ва келгуси йилнинг февраль ойидан бошлаб эхтиёжманд фукароларга инсон хукуклари бўйича маслахатлар бера бошлайди.

Марказнинг очилиш маросимида Инсон хукуклари буйича Узбекистон Республикаси миллий маркази директори А.Саидов, АКШ Давлат котиби ўринбосари Л.Крейнер, АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавкулодда ва мухтор элчиси Ж.Хёрбст иштирок

> Бехзод НОРБОЕВ, ЎзА мухбири.



Иқтидор, истеъдод Яратганнинг буюк неъмати. У хар кимга хам насиб этавермайди. Мухаббат Курбонова — бўлажак талаба. У хали ўзбек хореографик коллежининг тўртинчи курсида тахсил олади. Лекин ёшлигидан гўзаллик, санъат ошуфтаси. Шу боис келажакда ўзбек миллий ўйинларини янада мукаммалрок ўрганишни орзу килади, аникроги, ўкишни олий ўкув юртида давом эттирмокчи.

Вахоланки, статистика маълумотларига кура, республикамиздаги бундай ёшларнинг касб-кор эгаллаш борасидаги орзулари аллақачон ушалған. Бу йил 35.620 нафар йигит-қиз бакалаврлик, уч мингдан ортикроги магистрлик дипломларини олишди. Уларнинг сафи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хадемай уларнинг сафига Мухаббат Қурбонова хам қушилишига, шак-шубха йўқ.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Сўнгги

хабарлар

«Инъикослар»

Латвиялик рассом Людмила Гринбергнинг Замонавий санъат марказида очилган шахсий кўргазмаси шундай деб аталади. Бу кўргазма Узбекистон Бадиий академияси ва Латвия Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан ташкил этилди.

Елгавадаги ўрта мактабни тамомлагач, Л.Гринберг Г.Залькалн номидаги Латвия Давлат Бадиий академияси рассомлик бўлимига ўкишта кирли. У асосан ипак матоларга мойбуёк, акрил, сувбуёк, пастель билан чизилган асарлар яратади ҳамда кийимларга гул

Людмила Гринберг пейзаж, марина, портрет, натюрморт ва фигурали композиция жанрида ишлайди. 1982 йилдан буён у махаллий ва хорижий кургазмаларда иштирок эта бошлади. (¥3A).

бийи борми?..

дан Қорақалпоғистон Республикаси Жуқор-

ги Кенгеси Раиси ўринбосари А. Ибраги-

мов имзоси билан келган жавоб хатида. --

«Бийбозор» ширкат хўжалигида бир қатор

камчиликлар борлиги аникланди. Ушбу

камчиликларга йўл қўйганлиги учун хўжа-

лик бошқаруви раиси Мақсад Йўлдошев

ширкатчиларнинг умумий йигилишида

эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди».

Бугун мамлакатимиз фукароларининг давлатимиз ички ва ташки сиёсатилан хабардорлиги даражасини хар қачонгидан хам кўра юксак даражага кўтариш даврнинг мухим талаби булиб турибди. Узбекистон Республикаси Президентининг иккинчи чакирик Олий Мажлис туккизинчи сессиясидаги маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишларни амалга ошириш хам шуни тақозо этади.

Фаол фукаро жамият таянчи

Тошкент шахрининг Яккасарой тумани хокимиятида республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан хамкорликда ўтказилган фаоллар йиғилишида шу масала атрофли-

ча мухокама қилинди. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази рахбари ўринбосари С.Олимов, Тошкент шахри хокими ўринбосари

А.Ахмедов, республика Маънавият ва маърифат Кенгаши аъзоси, халкаро шархловчи К.Каримбеков, туман хокими М.Йўлдошевлар Президент маърузаси мазмун-мохиятини ахоли кенг қатламлари орасида тушунтириш, унда белгилаб берилган мақсад ва вазифаларни бажариш

йўл-йўриқлари ҳақида гапирди.

Мурод ХОШИМОВ.

Чўлкуварлар учун иш жойлари

Бўз туманилик тадбиркор Дилшодбек Абдурахмонов савобли ишга қул урди. У бир эмас, ун эмас, нақд 126 нафар кишини иш билан таъминлади. Шу пайтга қадар уйда беиш ўтирган қизжувонлар тадбиркор ташкил этган тикувчилик цехида иш бошладилар. Туман маркази ва қишлоқларида йил бошидан буён 800 нафар киши ишли бўлди. Бу хайрли ишла ишбилармону тадбиркорларнинг хиссаси юкори булмокда.

Ош тузи сероб


Асрий Қизилқумда битмас-туганмас кон захиралари мавжуд. Бу ерда кундалик эхтиёжимиз учун зарур булган туз конлари хам бор. Хозирда 7 та ана шундай кондан табаррук неъмат қазиб

Навоийдаги "Электрокимё" хиссадорлик жамиятида йилига 5730 тонна сифатли ош тузини қайта ишловчи корхона иш бошлади. Киска вакт мобайнида замонавий технология асосида 1500 тонна махсулот ишлаб чикарилди. Эндиликда бежирим қадоқланган тузни барча савдо дуконларида учратиш мумкин.

Олий Мажлисда

Халқимизда «Қариси бор уйнинг париси бор», деган нақл бор. Бу бежиз айтилмаган. Чунки кексалар бор жойда файз-барака бўлади. Катта хаёт тажрибасига эга кексаларимиз каттаю-кичикнинг маслахатгуйи, йул кўрсатувчиси хисобланади.

Улар бизнинг бобою-момоларимиз, ота-оналаримиз. Ота-онага эхтиром кўрсатиш, катталар хурматини жойига қўйиш эса халқимизнинг азалий қадриятидир.



Карияларни мухофазалаш кўнгилдагидекми?

Кеча Олий Мажлиснинг Ешлар ишлари кумитасида булиб утган «Узбекистон Республикаси Қонун хужжатларида қарияларни ижтимоий мухофаза қилишга оид талабларнинг ижроси» мавзусидаги давра сухбатида Қарияларни қадрлаш йилида уларни ижтимоий химоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз борди. Давра сухбатини қумита раиси Азамат Зиё олиб борди.

Унда сўзга чиққан тегишли вазирлик ва ташкилотлар вакиллари «Карияларни қадрлаш йили» давлат дастурининг бажарилиши, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида қарияларни ижтимоий мухофаза қилишга оид қонун хужжатлари талабларининг ижроси хакида ахборот бердилар. Республика «Нуроний» жамгармаси, «Махалла» хайрия жамғармаси, Мехнат ва ахолини ижтимоий мухофаза қилиш вазирли-

ги ва Согликни саклаш вазирлиги томонидан қарияларимизга курсатилаётган ғамхурлик ликкатга сазоворлир. Масалан, согликни саклаш тизимида шу йилнинг 9 ойи давомида 1 миллион 817 минг 98 нафар қария даволаш профилактика муассасалари томонидан тиббий курикдан ўтказилган. Бемор деб топилганларнинг 887 минг 851 нафари амбулатория шароитида, 147 минг 237 нафари шифохоналарда, 85 минг 598 нафари эса уй стационари шароитида даволанди. Кизил Ярим Ой халқаро ташкилоти, «Соглом авлод учун» жамгармаси билан ҳамкорликда 14 минг 182 нафар огир бемор қарияларға хизмат қурсатиш мақсадида 3053 нафар патронаж хамширалар бириктирилган. Айни кунда мамлакатимизда қариялар саломатлигиихтисослаштирилган даволаш муассасалари ташкил этилган. Барча туманларда қарияларға ихтисослаштан тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида 181 та геронтология хоналари ишлаб турибди.

Давра сухбатида бу борадаги ишлар барча жойларда хам кўнгилдагидек йўлга қўйилмаганлиги, айрим ташкилотларда давлат дастурида кўзда тутилган тадбирлар ижроси бўйича етарлича иш олиб борилмаётганлиги таъкидланди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронларни белгиланган тартибда имтиёзли дори-дармонлар билан таъминлаш, пенсионерларга нафақаларини ўз вақтида етказиб беришда хам камчилик-ларга йўл қўйилаётганлиги

> Ойбек РАХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Биз хеч кимдан кам эмасмиз!»

дейди "Яккабогтекс"нинг рахбари Эшкувват АШУРОВ

"Энди чет элга чиксам булади. "Кимсан?" дейишса, тортинмай, кукракни кериб жавоб бера оламан: хусусий компания бошлигиман. Ахир чет элликлар биз хам улардан кам эмаслигимизни куриб қўйишсин-да! Мени айтди дейсиз, хали улар компаниямиз билан шартнома хам тузишади, керак бўлса излаб хам келишади. Табиий матодан тайёрланган махсулотлар кимга керакмас?". Бу хам яккабоглик тадбиркор Эшқувват Ашуровнинг сўзлари. У бугун ўзига шундай ишонади. Бунга асоси бор. Бели бақувват. Қулини қаерга узатса етади. Унга ҳамма ҳавас қилади. "Эвини қилибдими, яшасин, қаддини урсин", дейишади. Оддий жувозкашликдан хусусий компания эгаси бўлди. Бузилиб ётган тракторлардан ажабтовур машина ясади, мо-

мик ишлаб чикарадиган... Эшкувват ишни жувозкашликдан бошлагани рост. Кечасиям, кундузиям тинмади, ухламади. Озгина пул топгач, пахта тозалаш цехи очди. Кейин уни кенгайтириб, момик ишлаб чикариш фабрикаси ташкил этди. Энг мухими, хеч қайси ускунани сотиб олгани йўқ. Хаммасини ўзи ясади. Бузилиб ётган экскаватор ва бульдозерларнинг ишдан чиққан эхтиёт кисмларидан. Ойига 150 тонна момикни тойлайдиган ана шу ускуна бозорда 30 миллион сум турар экан. Эшкувватга эса у бор-йўги бир мил-

 Пахта заводи чикинди махсулотларининг хар кило-сини 80-160 сўмдан сотиб оламиз-да, уни фабрикамизда қайта ишлаб, момиқ тайёрлаймиз ва килосини 250 сўмдан пуллаймиз. Ана фойда! - дейди Эшкувват Ашуров. - Момикдан чиккан чикит хисобига чорвачиликни йўлга қўйдик. Хозир қорамолларимиз 60 бошта етди. 24 боши соғин сигир. Кунига 3 тонна сутни қайта ишлайдиган завод қураяпмиз. Утган

Ташаббус сўнмасин!

йили 10 сотих ерда иссикхона курган эдик. 7 миллион сўм фойда килибмиз. Бу йил иссикхонани яна 15 сотихга кенгайтирдик. Ундан 20 миллион фойда олишни кўзлаб турибмиз.

Иссикхонанинг ёнида 600 тонна мева сақланадиган музхона қурилиши бошланган. Биласиз, Яккабогда бог куп. Мевани музхонада сақлаб. кишда сотсак, хам ахолига, хам бизга фойда бўлади.

Бугунги кунда Эшкувват аканинг фабрикаси, молхона ва иссиқхоналарида 60 нафардан ортиқ ишчи ишлайди. Бирортасининг оиласида етишмовчилик ёки бирор муаммо бўлса, раис куллаб-кувватлаб юборади.

6 йилдан буён момик фабрикасида ишлайман, дейди Собир Очилов. - Хар ойда 45-50 минг сўм маош оламан. Раисимиз ишниям қилдиради, ҳақни ҳам беради.

 Оддийгина қурилиш ашёбўлмайди. Шу боис Россиядан мих ишлаб чиқарадиган дастгох олиб келдим, — сўзида давом этади Эшкувват ака. — Ахолига қулайлик яратиш мақсадида эса бир кунда 2 тонна н тайёрлаш қувватига эга бўлган Хитой тегирмонини хам куриб куйдим.

Айни кунларда Эшқувват Ашуров рахбар булган "Узбекистон" куп тармокли ишлаб чикариш корхонаси негизида пахтадан тайёр махсулот ишлаб чикарадиган "Яккабогтекс" Узбекистон-Германия кушма корхонаси барпо этилаяпти. Янги махсулотларнинг харидорлари эса хозирдан тайёр. Гап шундаки, унда бир йилда 3 минг 350 тонна махсулот ишлаб чиқарилади. Мухими, кушма корхона ишта тушса, 230 киши иш билан таъминланади.

Эшқувват Ашуровнинг сўзларини тингларканман, ўзига ишонган, қатъиятли, бугуни ва эртасини яратиб қуйган, бадавлат ишбилармоннинг сиймосида Узбекистоннинг келажагини кўргандай бўлдим.

Санобар БОЙМУРОДОВА,

Обуна

Юртга содик инсонга нима афзалдир бугун? Жавоб шу: халқ мехри, халқ фикри, халқ сўзи устун

Агар сиз

- хуқуқий давлат қураётған жамиятға муносиб фуқаро бўлай десангиз,
- икки палатали парламент яратилишида фаол иштирок этишни истасангиз,
- дунёда рўй бераётган вокеаларга бефарк булмасангиз,

«Халқ сўзн»га обунани расмийлаштиришни кечиктирманг. Нашр индексимиз - 229

«Обуна каталоги» инглиз ва рус тилларида «Интернет»га киритилган.

«Матбуот таркатувчи» акциядорлик

компаниясининг веб сайти («манзил вараги»): http://mtu. uzpak. uz/ uzbek. html

Жамоатчилик асосида обуна уюштирганлик учун улар топширган нақд маблағнинг 0,1-1 фонзигача хак туланади. Обунани расмийлаштириб, нашрларни муштарийларга етказиб беришин зиммасига олган тадбиркор, мехнат жамоаси ва махалла вакилларига шартнома асосида

қушимча рағбатлантириш пули берилади.

Демократик ислохотлар 030d mym

"Халқ сўзи" назоратида

Газетамизнинг шу йил 16 октябрь сони-

да «Бийбозор»нинг бийи борми?..» сарлав-

хали мақола эълон қилинган булиб, унда

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний ту-

манидаги «Бийбозор» ширкат хўжалигида-

этилган гурух томонидан атрофлича ўрга-

нилди, - дейилади мазкур макола юзаси-

«Мақола туман қокимлигида ташкил

ги салбий холатлар қаламга олинган эди.

Pauc umdan

Бўшатилди



Йул булсин, ака? деди улардан бири құлидағи бир ғужум калитларни ўйнатиб. — Навоийга. — Унда юринг биз билан, сизни проводник учраштириб қўямиз". 3-бет



Корачик ка мехмон Бўлган xaŭpam





Emmu хазина Huma?





Спортчи хонадонидаги гурунг

Xap cukum mynpofu зар Ватан

Қазилма бойликлар — мамлакатимизнинг қудрати. Биргина Қизилқум кенгликларига назар ташланг. Унда юртимиз салохиятини юксалтиришга хизмат қиладиган, фаровон ҳаётимизга асос бўладиган табиий бойликларнинг

Олий Мажлиснинг ўтган сессиясида биринчи ўкишда қабул қилинган «Ер ости бойликлари тўгрисида»ги қонун лойихаси фукароларни бахс-мунозараларга чорлайди. Вилоят табиатни мухофаза килиш бошкармаси кончилик ишлари назорати бўлими бошлиғи Эркин РАХИМОВ мухбиримизга ушбу қонун лойихаси хакида куйидагиларни гапириб берди:

 Ер ости бойликларининг давлатимиз иктисодиётида тутган ўрни беқиёслиги ҳақида гапириб ўтиришга хожат йўқ. Гап хар бир қарич еримиздаги ноёб бойликларни қазиб олиш, қайта ишлов беришда қатый тартиб ўрнатилишида. Энг мухими самарадорлик. Бугина эмас, сессияда Юртбошимиз алохила таъкиллаганларилек. захираларни халқ хўжалигига хизмат қилдиришни тезлаштириш - давр талаби.

Вилоятимиз худудина 200дан ортиқ фойдали қазилма конлари аникланиб, давлат геологик реестрига киритилган. Уларнинг 37 таси камёб металл конлари, 16 таси уран, 12 таси минераллаштан шифобахш сувлар ва бошқалардир. Айни пайтда 74 жойда қазиш ишлари олиб борилмоқда. Шундан 32 таси қумшағал, 11 таси мармар, 5 таси охак-тош, 7 таси туз конларидир. Қолганлари эса уран ва олтин конлари эканлигини хисобга олсак, хали битмастуганмас хазинамизнинг асосий қисмига қул урилмагани аён бўлади. Мазкур конларни қазиш ва қайта ишлаш билан 21 та корхона ва 1 та кушма корхона шугулланаяпти. Хусусий фирмалар, тадбиркор-ишбилармонлар эндигина тажриба-саноат усулида бу сохага қўл уриш ниятидалар.

Хабарингиз бўлса, яқин орада «Омонтойтов Голдфилдз» қўшма корхонаси иш бошлайди. Буюк Британиянинг «OXMS Mining pas» компанияси бу вазифани ўз зиммасига олган. Хонжиза рангли металл кони теварагила фаолият юритувчи мазкур завод катта истикболга эга. Компания Томдибулок ва Айрок каби истикболли майдонларда хам геологик кидирув иш-

лари ўтказаяпти. Хуллас, бунёдкорлик кўлами қалбимизни ифтихорга тўлдирмокда. Бирок ер ости бойликларидан фойдаланиш жараёнларида баъзи салбий холатлар хам кўзга ташланадики, улар қонун йўли билан бартараф этилса, фақат наф кўрамиз. Масалан, қазиш ишлари тугаллангач, ерларни қайта тиклаш, ҳосил бўлган қудуқларни махсус гил тупроқ эритмалари билан тўлдириш ва кўмиб ташлаш жараёнлари жуда суст кечмокда.

Мухокама этилаётган қонун лойиҳасида масаланинг ана шу жихатлари баён этилганми? Лойиха хакида таклифларим куйидагилар:

жумладан, қонун лойиҳасида иккинчи модданинг «фой-

дали қазилма кони» деб номланган қисмидаги «участкаси» деган сўз «майдон» деб ўзгартирилса яхши бўларди. Тўққизинчи модданинг биринчи бандидаги «чекланиши» сўзидан кейин «ёки таъқиқлаб қуйилиши» деган сўзлар қўлланилса мақсадга мувофиқ буларди. Унинг йигирма биринчи

моддаси «Ер қаъридан фойдали қазилмаларни тажриба саноат йулида ковлаб олиш учун 3 йил муддат берилади» сўзлари билан тўлдирилса, деган таклифим ҳам бор. Йигирма олтинчи моддани куйидагича тўлдириш керак, деб хисоблайман: «Ер қаъридан фойдаланувчининг унга ажратилган конни бошқа юридик ёки жисмоний шахсларга бериши таъқиқланади. Корхонанинг номи ўзгарган тақдирда кон ажратмаси (далолатномаси), топографик режаси нусхаларидаги ёзувлар қайта расмийлаштирилади».

Булардан ташқари қонун лойихасида халкаро шартномалар ва битимлар хакидаги фикрлар аникрок ифодаланса, деган мулохазадаман. Кончилик муносабатлари сохасидаги

ваколатлари хам кўрсатиб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлади. Конлардан фойдаланиш ва минерал хомашёни қайта ишлаш билан боғлиқ юмушларни бажариш лойихалари Давлат экология экспертизасидан ўтказилиши лозимлигини белгилаб күйиш хам фойдадан холи булмайди. Яна кончилик билан боглиқ бўлган табиатга етказилган зарарни қоплашдаги товон пули ва туловлар фақат табиатни муҳофаза қилиш махаллий жамғармасига туширилиши кўзда тутилса, деган таклифни билдираман. Одамларда ер ости бой-

ликларига бўлган муносабатни чуқурлаштириш учун тарғибот ишларини янада кучайтириш лозимлиги хам қонун лойихасидан ўрин олса, яхши бўларди. Шунингдек, тегишли қонун ҳужжатлари талабларини бузган мансабдор шахсларга моддий ва маъмурий жавобгарлик кучайтирилиши белгилаб қўйилса, дейман. Шу ўринда диққатингизни бир масалага каратмокчиман. Ўтган тўккиз ой давомила булимимиз томонидан 9 та корхонада текшириш ўтказилди. Аникланган камчиликларни бартараф этиш максадида 11 та такдимнома берилди. «Табиатни мухофаза қилиш тўгрисида»ги ва «Ер ости бойликлари тўгрисида»ги қонунлар талаблари бузилишига йўл қуйган 5 нафар мансабдор шахсга «Маъмурий жавобгарлик тўгрисида» ги Кодекснинг тегишли моддалари қўлланилиб, атиги 29975 сўм микдорида жарима ундирилди. Кўриниб турибдики, қонун лойихасида қатъийлик ва талабчанликка ургу берилса, турли ўзибўларчилик, бепарволикларга ўрин қолмайди.

Шубха йўкки, мазкур қонун лойихаси ер ости бойликларидан янги шароитларда фойдаланишда тартиб-интизомни кучайтириш вазифасини ўтайди.

> «Халқ сўзи» мухбири Абдувахоб ПИРМАТОВ ёзиб олди.

> > Демократик ислохотлар


Бугун фукаролик жамияти асосларини барпо

этишдек стратегик мақсадни ҳар бир ўзбекис-

тонликнинг эзгу ниятига айлантириш маъна-

вият ва маърифат сохаси мутахассисларига

янада катта масъулият юклайди.



Харидорлар kynaŭmokda

Шотут, ёнгоқ ғўрасидан тайёрланган мураббо, помидор, бодринг каби консерва махсулотлари нафакат мамлакатимизда, балки хорижда хам ўз харидорларини топди. Чиройли, бежирим 350, 400, 450 граммли идишларда тайёрланаётган ушбу махсулотлар «Тойлоқ» очиқ турдаги хиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилмоқда.

Айни чогда бу ерда ишлаб чикарилган махсулотлар мамлакатимиздаги соғлиқни сақлаш муассасалари, мактабгача тарбия масканларига хамда Россия ва Болтикбуйи республикаларига жунатилмоқда.

СУРАТДА: ишчи Гулисора Азизова.

Тохир НОРКУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

М аънавият ва маърифат сохасининг иш куроли хам, воситаси хам, усули хам битта - тарғибот, ташвиқот. Хар икки сўз хам бизга араб тилидан кириб келган. Тарғибот — одамларни бирор ишга, максадга рагбатлантиришни, ташвиқот — шавқлантиришни англатали. Буни мақсадга тўгри йўналтириш ўта

Бундан минг йиллар олдин таргибот ва ташвикотда халкка тушунарсиз гапларни гапирмаслик, кандай гапириш кераклиги хакида шундай дейилган экан: "Дейлик, бир одамнинг ховлисига сел босиб келаётир. Сен бундан воқиф бўлиб, ўша одам ва унинг оиласини "Селдан қочинглар, сақланинглар!" деб огохлантирасан, Тезроқ уларни офатдан қутқариб қолишинг керак-ку! Такаллуф килиб ўтириш аклга мувофикми? Воизликда хам шундай: халойикни қандай бўлмасин тезрок, тушунарли тил-

да ҳалокатдан қутқариб қолмоқдир. Ваъз айтувчининг такаллуфдан сақланмоғи, самимий бўлмоғи во-

Нотиклар, воизлар ўзбек давлатчилиги тарихида, ривожланишида катта роль ўйнаган. Таргибот ва тарғиботчиларга аниқ талаблар қуйилган. Шунинг учун Имом Газзолий "Ахли мўминга ваъз айтишда эхтиёт бўлишинг лозим. Чунки, воизликда офат куп. Агар айталиган панл-насихатларга аввал ўзинг амал қилиб, сўнгра халққа изхор этсанг, воизлик дурустдир. Эй фарзанд, Исо Алайхиссаломга айтилган сўзларни эсла: "Эй Марям ўгли, аввал ўзингга ваъз кил, қабул қилсанг, кейин халққа юзлан! Узингки, насихатни қабул этма-

санг, Худодан қўрқ, халқни тинч қўй! Агар ваъз ўкишдан бошқа иложинг колмаса икки нарсадан эхтиёт бул: Бирламчи — сўзларинг ортикча ибораю ишоратлар, асли пуч хикоятлару маънисиз байтлар ила ясанган, яъники сертакаллуф бўлмасин! Хаддан ташкари сертакаллуфлик - воизнинг ботинан хароб, қалбан ғофил экан-

лигидан далолат беради"

Тарихимиз жуда бой-да. Уни қанча ўргансангиз бугунги маънавий, гоявий ислохотлар учун шунча куп амалий тавсиялар чикаверади. Битта мисол: Урта асрларда тиббиётнинг икки тури машхур бўлган экан. Улардан бири тан тиббиёти, иккинчиси маънавий тиббиёт деб аталган экан. Тан тиббиёти — инсон танасидаги зарарли дард, маънавий тиббиёт эса инсон қалби, онги ва маънавий фазилатларини такомиллаштириш камчиликларини тузатиш билан шуғулланган. Урта аср алломалари инсоннинт яхши ё ёмонлигини унинг қалбига богдаб тушунтиришган. Маънавий тиббиётни эса одамда юксак ахлокий принципларни тарбиялаш ва бузгунчи гоя, фикрлар, одат, ахлоқий иллат ва ножуя қилиқларни тузатиш йўллари, воситалари ва усуллари хакидаги таълимот, деб хисоблагандар. Бу амалий йўналиш Гарбда фаол кулланилаётган "социал педагогика" тушунчасига мос келади.

Араб фалсафаси отахонларидан Ал-Кинди, Абу Бакр Ар-Розий Абу ал-Фараж Абу ар-Рахмон ибн Жавзий, Абу Исхок Иброхим ибн Юсуф Аш-Шерозий томонидан битта номда яъни - "Маънавий тиббиёт" деб аталган турли китоблар ёзиб қолдирилганлиги хайратлидир. Демак, ІХ-XI асрларда Урта Осиёда фан ва маърифат юксак ривожланганлиги эътироф этилар экан, бунда "Маънавий тиббиёт"нинг роли албатта юксак булган. Буни этироф этмасдан узбек маънавияти тарихини мукаммал тасвирлаб бўлмайди.

Тарғибот ва ташвиқот — кеча пайдо бўлган эмас. У оддийдан мураккабга қараб бориш, илмий асосга таяниш, ҳаёт билан чамбарчас алоҳадорлик, эстетик элементларга, миллий истиклол гоясига таяниш, назария ва амалиёт бирлиги, ўзбек характерига хос ижобий ва салбий сифатларни инобатта олиш каби тамойилларга эга. Хар бир ишга, тарғиботга хам илмий ёндашмасак биз адашаверамиз. Хато қилаверамиз, бизни ўнгу сўлдан эшитиладиган ман-

фаатли овозлар чалғитаверади. Фукаролик жамиятини барпо қилиш ғояси тарғиботининг натижалари мевалари хозирги ўзбекнинг бундан 10-20 йил олдинги ўзбеклардан фаоллашганида, мутелик устидан эркинликнинг, лоқайдлик устидан ташаббускордикнинг, бокиман-

далик устидан тадбиркорликнинг

Таргибот, ташвикот - аник иш.

Мавхум бўлса у керак бўлмас эди.

Инсоният тарихи неча ёшда бўлса,

одамларни бирлаштириш ва унга

қаратилган гох очиқ, гох ёпиқ тарғи-

бот ҳам шунча ёшда. Бугун бизгача

етиб келган яхши-ёмон гоялар, маф-

куралар хам кучли таргиботга таян-

ган. Бизгача етиб келмаганлари эса

кучти таргибот механизми, методла-

ри билан таъминланмаганлиги туфай-

ли 1-100 кишининг миясидагина

бўлган ва уларга қушилиб "вафот"

Шундай экан, таргибот-ташвикот-

нинг яхши ё ёмонлигини, фойдаси-

ни қандай билиш, кўриш сезиш,

ўлчаш мумкин? Тижорат, реклама со-

хасида ишнинг самараси аник ракам-

ларда, фойдада яққол кўринади. Ле-

кин маънавият, миллий гоя таргибо-

тида самара бутунлай бошқача була-

ди. Фарқ — моддий ва маънавий

ўлчовларда. Дарахтнинг, боланинг

ўсаётганлигини кўз билан кўриб

бўлмаса-да, "ўсаяпти" дейдилар. Де-

мак, маънавиятдаги ўзгаришларнинг

хам ўлчови бор. Афсуски айрим ки-

шилар "Маънавиятни ҳам ўлчаб

бўларканми"? деб истехзоли кулиб

қуйишади. Нимаики бор экан, узга-

рар экан, у намоён бўлади. Узгарган

нарсани эса ўлчаш мумкин. Бунга

яққол мисол қилиб педагогларимиз-

нинг ёшларда ватанпарварлик, мех-

натсеварлик, нафосат туйгуси, ахлок,

хулқ-атвор маданияти ва бошқа ўнлаб

ижобий ва салбий сифатларни ўлчай

олишаётганликларини келтириш

мумкин. Бу тажриба ҳам камида юз

йиллик тарихга эга. Инсон, жамият

маънавиятини (демак, демократик

маданиятни, фукаролик жамияти қай

даражасида эканлигини ва ҳ.к) ўлчаб

ўзгартириб бўлмайди, дейиш — иш-

нинг мезонини тополмаслик, масъу-

лиятсизликдан, аник ишлашдан, на-

этиб кетаверган.

ғалабасида намоён бўлади.

УЗНИ

тижани кўрсатишдан қочишдан бошка нарса эмас.

Бозор иктисодиёти шароитида таргибот хам шунга мос бўлиши керак, У одамларнинг шахсий манфаатларини миллий манфаатлар билан пайванд қила олиши керак. Янада образли қилиб айтганда, тарғибот халқнинг нимага эътибор берса, нима килса ва нима қилмаса ўзига фойдали бўладиган нарсаларни ёритиб берувчи прожектор бўлмоги лозим. Таргибот, ташвикот стихияли иш эмас. Агар у стихияли бўлса, хеч нарса ўзгармайди. Таргибот, ташвикот динамикаси шундайки, унда ташки (объектив) ички (субъектив)нинг бисотига айланади. Хозир эшитилган фикр бошкаларнинг мажлисдан кейинги - эртанги фаолияти, айтган сўзи, қилган ишларида

030 A TYT

Таргибот жараёнида қатор зидди-

ятлар юзага келади. Уларни ички ва

ташки зиддиятларга бўлиш мумкин.

Ташқи зиддият — фуқаролик жамия-

ти одамлари билиши, қилиши лозим

булган демократик меъёрлар билан

кечаги тоталитар жамиятдан чикиб

келаётган одамнинг хулқи-атвори,

одатлари ўртасидаги тафовутда кўри-

нади. Мисол: Кўчкор ака шартнома-

ни бузган раис (Бўрибой ака)ни суд-

га бериши керак. У жахл устида суд-

га ариза ҳам ёзади, лекин раис судга

келмайди, қочиб кетади. Чунки Бури

бир-икки оксоколни унинг уйига

юборган. Оксоколлар "Кучкорвой

одамгарчилик бундай бўлмайди, уят

бўлади, болам. Ота-бобонг бундай

қилмаган. Сен ҳам бундай қилма.

Худо хохласа яхши бўлади" — деган.

Узбекчилик бу. Кўчкорнинг эмас,

Бўрининг фойдасига хизмат қилди-

рилган ўзбекчилик. Натижада биз-

нинг нотўгри тушунилган ўзбекчи-

лигимиз баъзи холларда демократия-

га, инсон ҳақ-ҳуқуқларига қарши

ишлаб келган. Инглиз фильмлари-

дан бирида айтилганидек "Қонун та-

қозо қилади-ю, урф-одатлар йўл

Ички зиддиятларга ҳар бир фуқа-

ронинг хукуклари билан уларни рўёбга

чиқариш, химоя қилиш имконияти

лаёқати орасидаги тафовут тўскинлик

қилади. Шахс эхтиёжи ўз вақтида қон-

дирилмаса, у дастлабки босқичлардаёқ

йўқолиб кетади. Лекин ҳар бир шахс-

нинг хамма эхтиёжларини бирданига

тўла қондириб хам бўлмайди-да. Ана

шундай вазиятларда зиддиятлар бар-

тараф қилиниши учун консенсус

хосил килиниши лозим. Бунинг энг

яхши йўли — ички ва ташқи зидди-

ятларни юзага келтирган сабаблар бар-

тараф қилинмоғи зарур. Чунки фуқа-

ролик жамиятини қуришга халақит бе-

рувчи сабаблар йўқотилмас экан,

одамлардаги демократик тафаккур,

малака ривожланмайди, депсиниб ту-

куймайди"

раверади. Бу зиддиятларни тез, соз ва камхарж ечиш йўли - кучли демократик таргиботдир

Бунинг бошқа сабаби ҳам бор. Бу ижтимоий педагогика яъни жамиятнинг барча қатламларини ўқитиш, тарбиялаш ҳақидаги фаннинг ривожланмаганлиги, бошқарув кадрларининг ўз жамоаларининг мураббийлари сифатидаги ролга тайёрланмаганлиги. Фирма, ширкат хужалиги, завод-фабрика, концерн, хиссадорлик жамиятларида Президентимиз алохида ургу бериб айтган Инсон омилидан тула фойдаланмаётганлигида. Ишга, бурчга муносабатнинг асосан иктисодий масала деб қаралаётганлигида. Вахоланки, жамоадаги маънавий мухит жамоанинг бирлиги, ишончи — унинг иктисодиётини жуда тез кучайтириб юборади. Таш-

килотчиликнинг психологик билим-

лар билан үйгүнлиги рахбарнинг тар-

ғиботчилигида ҳам намоён булади.

Бугунги куннинг рахбари кучли тар-

ғиботчи ҳам бўла олиши керак. Тар-

ғибот қишлоқ хужалигида ҳам, де-

мак, соф иктисодиётда хам кучли са-

мара беради. Мисол тарикасида Бу-

бир ижобий тажрибани келтирамиз.

ни экишда 15 кун кечикдик. Бу ке-

чикишнинг ўрнини фаол агротехник

амалларни куллаб август бошида коп-

ладик. Биз ўзи таргибот-ташвикот-

нинг кучига унчалик эътибор бермас

эканмиз-да. Бошида чеканкани "15

кун олдин ўтказамиз", деган фикрни

дехкон-фермерларга тушунтириш

қийин бўлди. Раисларни чақириб айт-

рашув, семинарлар ўтказдик, яна

бўлмади. Охири ўзимиз 5-6 звенони

йиғиб, қандай чеканка қилиш ҳақида

туман телевидениесида клип тайёр-

ладик. Хар куни қандай чеканка

қилишни кўрсатиб турдик. Халқ тез,

тўгри тушунди. Натижа жуда яхши

бўлди. Энди бу усулни ҳар йили,

қишлоқ хужалигининг бошқа соҳа-

Хулоса, чеканкани "кўрсатиш"

орқали ўргатиш қандай тез самара

берган булса, демократик маданият-

ни ҳам амалий, ҳаётий вазиятларни

акс эттириб тарғиб қилинса, фуқа-

роларда демократик маданиятта оид

билим, кўникма ва малакалар тез

қиллигимизни асраб-авайлаб келмоқ-

дамиз! Шахсни тафаккур мустакил-

лигига, ўзини ўз миясидаги тотали-

тар қуртлардан тозалашға ўргатиш

қийин экан. Одамда ўзгарадиган энг

охирги нарса - тафаккури, деган гап

эсга келаверади. Яъни мустакил

бўлмай туриб фаол, фаолликсиз мус-

Ун бир йил булди, миллий муста-

ларида ҳам қўлламоқчимиз".

шаклланади.

Фермер хужаликларига бориб уч-

"Бу йил об-хаво ёмон келиб, гўза-

тақиллик булмайди. Фаол одамлар куп булмаса, жамият фаол булмайди. Суст бўлади, суст ривожланади. Оркада колади. Шунинг учун хам Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида Инсон омилини кучайтириш масаласига фукаролик жамиятини барпо қилишнинг еттинчи йўналиши сифатида катта ургу берилди. Шундай экан, бугун таргибот ва ташвикот масаласи амалий сиёсат масаласига айланди, деса булади. Демак, таргиботташвикот самараси жамият тафаккури, демократик ислохотлар самарасини белгиловчи бош омиллардан бирига айланади. Санашни ўрганиш учун инсониятта бир неча асрлар керак бўлди. Хозир буни гўдаклар мактабнинг бошлангич синфида бир неча соат дарсдан кейин ўрганиб олмоқда. АҚШга бугунги демократик тажрибасини йигиш учун 200 йилдан ортик вакт керак булди. Хозир бу тажриба мохиятини бир неча соатлик семинар, машғулотлар орқали билиб олиш мумкин. Шу маънода қуйидаги хулоса тугилади: Фукаролик жамияти гоясининг таргиботи фукаролик жамиятини куришдан олдинда юради. Тарғибот мисоли музёрар кеманинг олмос ниши янглик мавхумликнинг қалин музларини ёриб "Фуқаролик жамияти" деган манзилга йўл очиб беради. Тарғибот ўтмас бўлса, кеманинг юриши суст бўлади. Тарғибот тухтаган куни кема ҳам

тўхтайди Азалдан халқлар бир томондан қонун билан, иккинчи томондан уларнинг ақл-идрокига мурожаат билан йўлга солинган. Биз бугун одамларга фукаролик жамияти ҳақида нима гапираяпмиз? Қандай гапираяпмиз? Ни-

маларни, қандай кўрсатаяпмиз? Одамлар ўзларини фукаролик жамиятидагидек тутишлари учун улар демократик кўникма ва малакаларни кўришлари, эшитишлари керак. Машина хайдашни машина ичига кирмасдан ўрганиб бўлмайди. Фуқаролик жамиятини қуришда аждодларимиз меросидан амалий фойдаланишимиз керак. Ана шундай ўгитлардан бири Хазрат Навоий ўгити озод бўлмоқ истасанг, ўзни озод тут! Фуқаролик жамиятида яшашни истайсанми, ўзингни ўша жамият кишисидек тут. Майли хато, янглишишлар ҳам бўлсин, бусиз мумкин эмас. Мана мақсадга элтувчи энг яқин йўл! Лекин буидан олдин фукаролик жамиятига хос маънавият, демократик маданиятни ўрганиб ол!

Иўлдан кетаётган одам ерда ётган 100 сўмлик пулни эгилиб олади. Оддий қоғоз парчасини олмайди. Шахсан ўзига фойда гапни кутса, мажлисга боради, бўлмаса йўқ. Бозор иктисодиёти шароитидаги тарғиботда хам бош тамойил прагматизм бўлмоги керак. Яъни одамлар учрашув, сухбатдан сўнг пулдан хам киммат нарса - фойдали фикрни олиб, уни қуллаш учун шошиб кетсин.

3-4 ёшли гўдакларни, уларнині гапларини кузатганмисиз? Хар бири ростгуй, эркин, мустакил. Лекин ўрта ёшга борган сари одамлар орасида бу сифатга эга одамлар камайиб боради. Демак, сабаб катталар ва уларнинг тарбиясида. Хуллас, таргибот ва ташвикот одамларии тарбиялайди. Уларнинг қарашлари, дунёқараши, гояси, мафкураси, хатто динини хам ўзгартиришга қодир (прозелетизмни

эслайлик). Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик жамиятини қуриш бу — демократик маданият сохиби бўлган янги шахсни тарбиялаш, бу эса ўз навбатида, янги демократик муносабатларни шакллантиришлан иборат.

Мухаммад КУРОНОВ.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига

Давлат by xank хокимияти

Конституциямизнинг 2-моддаси Ўзбекистоннинг демократик давлат сифатидаги хусусиятини намоён қилиб қуйидагича нор-

«Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фукаролар олдида масъулдирлар».

Кўриниб турибдики, мазкур модда демократик давлатимизнинг энг мухим жихатларидан бирини ўзида акс эттирган. «Давлат», «Халқ» тушунчалари Конституциянинг жуда кўп моддаларида учрайди ва улар бир-биридан ажралмас эканлиги сезилиб туради. «Давлат» тушунчасига, унинг мохиятига таъриф беришда жахон хуқуқий фанлар тизимида турлича қарашлар мавжуд. Масалан, давлат - бу муайян худудни ишгол этган ва ягона хокимиятга уюшган халқдир, давлат – бу инсонларнинг яшаш қоидаси шакли. Бинобарин, давлат ва айни вақтда хуқуқ ҳам жамиятта, мамлакатта ва айниқса халққа алоқадор, чунки улар жамиятдан, мамлакатдан, халкдан ташкари яшамайди. Халк эса кенг маънода маълум мамлакатнинг ахолисидир. Демак, давлат ва халк доимо ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, қаерда давлат халқнинг қўлида бўлса, унга хизмат қилса ва унинг иродасини ифода этса, демократик давлат бўлиб хисобланади. Дарвоке, бизнинг давлатимизнинг энг биринчи вазифаси халқ иродасини ифода этиш, халқ манфаатларини химоя қилишдир. Шу сабабли Конституциянинг 2-моддасида фуқаролар манфаатининг хамма нарсадан устунлиги тан олинган ва қонуний мустаҳкамланган. Қомусимизнинг муҳим хусусиятларидан бири шуки, фукаролар манфаатининг устунлиги нафакат эълон килинган, балки бошка купгина моддаларида конун билан кафолатланган хамдир. Масалан, Ўзбекистоннинг ўз Конституциясида демократик давлат деб эълон қилиниши, яъни унда халқ хокимиятчилиги ўрнатилганлиги, демократиянинг умуминсоний тамойилларига асосланганлиги, бунга кура инсон, унинг хаёти ва бошқа дахлеиз хукуклари олий қадрият хисобланиши, фукароларга жуда катта хукук ва эркинликлар берилиб, уларнинг Конституция ва қонунлар билан химоя қилиниши ва бошқаларнинг хаммаси юқоридаги фикримиз далилидир.

Конституциянинг ушбу моддасини диккат билан чукур мушоҳада қилар эканмиз, унда бизнинг жамиятимизда инсон давлат учун эмас, балки давлат инсон учун мавжудлиги сезилиб турибди. Дархакикат, хар бир фукаронинг давлат химоясида эканлиги, барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фукаролар олдида масъул эканлиги Асосий конунда мустахкамлаб қуйилган мухим қоидалардан хисобланади. Шунингдек, бу қоиданинг амалга оширилиши бошқа жорий қонунларимиз билан ҳам таъминланади. Масалан, «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-харакатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўгрисида»ги Қонунга биноан, «хар бир фукаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фукароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг гайриконуний хаттиқаракатлари (қарорлари) билан ўз хукуқлари ёки эркинликлари бузилган деб хисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш

хукукига эга». Узбекистон Республикасида демократик хукукий давлат куриш сари ташланган дадил қадамлардан бири давлатнинг фукаролар олдидаги масъулиятининг қонунлаштирилиши бўлди. Комусимизга кўра, давлат қонун доирасида инсонлар учун, уларнинг тинч-тотув ва фаровон хаёт кечиришлари учун зарур шартшароитларни яратиб бермоги лозим. Шу боисдан давлат халқ иродасини ифодаламоги, унинг манфаатлари, хохиш-истакларига хизмат қилмоғи керак. Бу ҳам мустақил давлатимиз қомусининг ўзига хос демократик жихатларидан биридир. Чунки «қизил империя»нинг 70 йилдан ортиқ хукмронлиги даврида биз давлатга қарамлик ва сиғиниш холатида, аникроги, ундан қурқиб-чучиб яшадик. Эндиликда эса хамма нарса инсон учун. унинг порлоқ келажаги ва бахт-саодати учун деган гоя амалда тантана қилмоқда. Чунки бу Асосий қонун билан қонуний ра-

вишда мустахкамланган ва чинакам кафолатланган. Шояд, Узбекистон Республикаси Асосий қонунининг 2-моддасида мустахкамланган қоида юртимизнинг узоқ ўтмиши синоуюк эканлигини узида мужасса

лаштирган булса, ажаб эмас. Узбекистон давлати ўзининг асосий ислохотчилик фаолиятида хам биринчи навбатда диккат-эътиборини халк манфаатларини химоя қилишга қаратмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш даврида мураккаб иктисодий, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий жараёнларни бошқаришда бебошликка йўл қўймаслик, ахолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш сиёсати давлатимиз томонидан оғишмай амалга оширилмокда. «Янги жамиятнинг сиёсий ва давлат тузумини белгилар эканмиз, - деган эди юртбошимиз Ислом Каримов XII чакириқ Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида сўзлаган нутқида, — унда ҳар бир одамнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий фаолияти учун етарли эрк берадиган шарт-шароитлар яратилмоги керак». Бунда, аввало, ҳақиқий демократия қарор топар экан. демак республика ахолисининг барча қатламлари манфаатлари, барча ижтимоий гурухлариинг миллий ва маданий ҳақ ҳуқуқлари муҳофаза этилиши назарда тутилади. Шуни хам унутмаслик керакки, қайси жамиятда бо-

Шундай қилиб, Асосий қомусимизда химоя қилинаётган халқ манфаатлари фақат ўзбек халқи манфаатлари эмас, балки Ўзбекистон худудида яшовчи барча миллат ва элатларнинг манфаат-

шқа халқ вакилларининг манфаатлари мухофаза этилса, уларга

хурмат ва эътибор кўрсатилса, ўша жамиятда адолат карор топ-

ган бўлади. Бизнинг давлатимизнинг бу сохада тутган йўли хам

х. мухамедов, Тошкент давлат юридик институти доценти.

Бош Комус Ва ёшлар

Бош қонунимиз — Констигуциянинг жамиятимиздаги ўрни, ахамияти, маъно-мазмуни ва мохиятини ўрганиш ёш авлоднинг хукукий онги, тафаккури ва маданиятини тўгри шакллантиришда мухим ахамият касб этади. Бу борада Узбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги "Узбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўгрисида"ги Фармойиши халқ таълими тизимида мухим дастуриламал

бўлиб хизмат қилаётир

Фармойишта кўра Конституцияни ўрганиш мактабгача таълим муассасаларида уч босқичда — ўрта ёш (3-4 ёш), катта ёш (4-5 ёш) ва мактабга тайёргарлик даври (6-7 ёш)дан амалга оширилмокда. Бош қомусимизни ўрганишта йўналтирилган машгулотлар болалар богчаларида "Конституция сабоклари" деб номланади. Дастурнинг асосий максади болаларнинг ёш хусусиятларини хисобга олган холда улар онгида давлатимиз рамзлари, Конституция ва қонунлар тўгрисидаги илк тасаввур-

ни уйготишдан иборатдир. Умумий таълим мактабларининг 1-9-синфларида эса табақалаштирилган ҳолда Конституцияни ўрганиш йўлга қуйилган. Масалан, бошланғич (1-4) синфларида "Конституция алифбоси" бўйича хар бир синфда "Она тили",

"Одобнома", "Атрофимиздаги олам", "Укиш" каби предметлар таркибида билим берилади, 5-7 синфларда эса "Конституция оламига саёхат" деб номланувчи мустақил курс сифатида ўрганилади.

Узбекистон Конституциясидан сабоқ берувчи ўқитувчилар ва тарбиячилар малакасини ошириш мунтазам равишда ва аник режа асосида олиб борилаётгани эътиборга моликдир. Ушбу фаннинг пухта ва мукаммал ўқитишда дарсдан ташқари ташкил этилаётган машғулотлар, кўрик-танловлар, учрашувларнинг ахамияти хам катта бўлмокда.

Таълим муассасаларида Конституциямизни ўқитишга тайёргарлик жараёнида ўкувчиларга ушбу фанга қизиқишни янада ошириш мақсадида "Сиз қонунни биласизми?", "Сиз Узбекистон Конституциясини биласизми?", "Президент асарларининг билимдони", "Конституция - бахтимиз пойдевори" мавзуларидаги кўрик-танловларга барча ўкувчилар кенг

Шунингдек, умумтаълим мактабларида "Миллий истиклол гояси ва маънавият асослари" фани билан биргаликда Узбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганиш курси ўкув жадвалига киритилган.

> Назокат УСМОНОВА, **ЎзА** мухбири.

га халал бераётган нуксонлар-

дан бири Сўз билан етарлича

ишлай олмаётганимиздир.

Хуш, бир суз устида кай дара-

жада ишлаяпмиз? Жамияти-

миздаги ўзгаришлар, силжиш-

ларни, сиёсатимизнинг маз-

мун-мохиятини, истак ва ре-

жаларимизни газетхонга аник-

тиник етказиб бера оляпмиз-

ми? Укувчига уктираётган

фикрларимиз кулгили ёки

аянчли чикиб колмаяптими?

Сўзимизда «ҳарорат» борми?

Агар шу саволларга жавоб ах-

тариб, жамики газеталарни ва-

раклаб, чиксак борми, кўнгли-

Таъбир жоиз бўлса, темир

І йўл вокзалларини сархадларимиз дарвозаси, юрти-

миз кўзгуси деб аташ мумкин.

Негаки, ватанимизга келиб-ке-

тувчиларнинг пойқадами айнан

шу остонадан бошланади. Гўё-

ки одамзоднинг кон томирла-

ри сингари пўлат излар ҳам ай-

нан шу ердан турли юртлар сари тарқалади. Шу маънода,

пойтахтнинг Шимолий темир

йүл вокзалини хам шундай дар-

гохлардан бири деб хисоблаш

мумкин. Агар бу ерда бир дақиқа булгудек булсангиз,

кимдир якин кишисини кутиб

олишга ёки бўлмаса, яна ким-

дир кузатишга шайланганлиги-

га кузингиз тушади. Агарда

диккат билан разм соладиган

булсангиз, ташрифчиларнинг

хар бирини бу ерга ўзига хос

гашвиш, юмуш етаклаб келган-

Хали-хали ёдимда

лигига амин буласиз.

бундан беш-олти йил-

Истиклолнинг гўзал имконлари орзу-умидларимизга қанот бахш этди, қалбимизга қувват, рухимизга мадад берди. Қайсидир йилларда «Муаммоли мавзуни қаламға олсам, чиқаришармикин», дея хадиксираб юргувчи журналистнинг бу кун қадди кўтарилди, юрагига журъат кирди, қўли хам, сўзи хам узайди. Бир вактлардагидек сикик, факат юкорининг кўрсатмалари билан иш юритадиган матбуот хам энди йўк. Биз Озод Фикр Майдонидан туриб сўзлаяпмиз, ёзяпмиз. Бундан-да мухимроги шуки, Президент бизни кўллабкувватламокда, «ютукни - ютук, камчиликни - камчилик, жиноятни - жиноят, хиёнатни - хиёнат, хамма нарсани ўз номи билан аташ» зарурлигига даъват этмокда. Эндиликда матбуотнинг ўз Конунлари, журналистнинг эса ўз хукуклари бор. Оммавий ахборот воситаларини хакикий демократия минбарига айлантириш, «тўртинчи хокимият» даражасига олиб чикиш ва унинг эркин фаолият кўрсатишини таъминлашдек катта максад йўлидан одимлаяпмиз.

СЎЗИМИЗ БИЛАН **YAYFMI3** Маълумки, хеч бир муаммо ёки тўсик бўлмасагина максадга эришиш осон кечади. Бизнинг матбуотимиз, хусусан газеталар обрўсини кўтариш-

ёхуд матбуот фаолиятига оид мулохазалар

кўпинча ёшларимиз олиб ўкишяпти, демакки улар бу тазеталарнинг мазмунан тор мавзулари атрофида "айланиб" колишяпти, шу мавзулар доирасида фикрлашяпти! Масаланинг мулохазали томони хам Маълумки, биз нимаики

Соглом она, соглом фарзанд — миллат таянчи. Хар иккиси бардам булсин, дея мамлакатимизда она ва бола саломатлиги мухофазаси давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги шундан. Наманганда энг яхши тиббий муассасалар улар ихтиёрига бериб қуйилган. Масалан, «Она ва бола» скрининг маркази фаолият кўрсата бошлаганидан буён шифокорларнинг дасти анча узайди. Боиси, марказ жахон андозалари даражасидаги энг замонавий ускуналар билан жихозланган. Бўлажак она кўрикка келдими, унинг соғлиғини текшириш баробарида хомиланинг умумий ахволи, ривожданиши хам кўздан кечирилади. Агар носоглом бўлса, даволашни бошлашади ёки хомила тўхтатилади. Марказий тугрукхона негизида ташкил этилган акушерлик-гинекология илмий-тадқиқот институти филиалининг имкониятлари бундан хам кенгрок. Унда хомиладор аёлларда учрайдиган экстрагенитал хасталикларни аниклаш ва даволаш бўйича фан ҳамда

Гарчи, шифокорлар бу масалада қаттиқ туришларига амалиёт хамкорлиги ижобий натижа бераётир. Тиббий кўрикдан ўтиш биринчи навбатда онанинг ўзига фойда. Хомиладорлик қандай кечяпти, нималарга купрок эътибор бериши зарур, билиб олади, - дейди вилоят согликни саклаш бошкарфоизигина контрацептив восита билан таъминланганлиги билан изохлашяпти. Норин туманида махаллий бюджетдан шу мақсад. учун кўзда тутилган 2,7 миллион сўм ўрнига борйўги 300 минг, Попда эса 3.5 миллион сўм ўрнига 400 минг сўм маблаг ажратилгани дастур ижросига салбий таъсир курсатди. Якинда вилоятга АКШдан келтирилган 3,5 миллион доллар микдоридаги гуманитар ёрдам тиббиётчилар салохиятини яна оширадиган бўлди. Гуманитар уску-

аникланиб, диспансер назоратига олинди. Бундай тадбирлар вилоятдаги бошқа туғруқхоналар, шунингдек, туман марказий шифохоналарининг махсус бўлимларида хам изчил йўлга қўйилган. Масалан, вилоят марказидан эллик чақирим узоқдаги Чуст туманида тугиш ешилаги 36 минглан ортик аёл шифокорларнинг мехр ва кўмагини хар қадамда сезиб туради. Хасталик белгилари сезилдими, дархол

Соглом онадан соглом фарзанл тугилади, тамойили биргина тиббий кўрикнинг ўзи билан амалга ошТиббий хизмат

Қорақалпоғистон тиббиётининг бугунги ахволига кандай? Унга қандай бахо берса бўлади? Тўгри, Орол денгизининг куриб бориши, бўшаб қолган ўзанда пайдо бўлган туз тўзонининг вохаларга хуружи, ичимлик сув сифати ва хаво таркибининг бир кадар ёмонлашуви фукароларимиз орасида касалликларнинг кескин купайишига олиб келди.

Шифокор кўзи, мутахассис нигохи билан қарайдиган булсак, худудимизда тиббиёт зиммасига жуда мухим, кечиктириб бўлмайдиган вазифалар юкланган. Бу вазифаларнинг қай йўсинда уддаланаётганлиги масаласига келсак, мустақилликка, Президентимизга минг бора рахмат айтишимиз керак. Истиклол бўлмаганда Оролбўйи ахолисининг соғлиғи ва санитария вазияти қандай ҳолатга тушиб қолишини тасаввур қилиш кийин эмасди. Экологик вазият минглаб, ўн минглаб, юз минглаб нафар ахоли сихатини хавф остига қуйди. Минг шукурки, мустақиллигимизга, мамлакатимизнинг сиёсатига ишонч билан қараған Жаҳон Хамжамияти, хукуматнинг доимий эътибори ва жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши боис хатарли холатнинг кириб келиши камайди. Айни чогда бу тадбирларни янада изчилрок амалга ошириш зарурати борлигини хам яшириб бўлмайди.

Шу кунда Қорақалпогистон халқига 81 та замонавий шифохона, 245 та поликлиника хамда амбулатория, 359 та фельдшерлик-акушерлик пункти тиббий хизмат кўрсатмоқда. Мухими, агар жойларда тиббиётга алохида эътибор билан қаралса, куп нарсадан ютиш мумкин. Бу албатта ўша жойлардаги рахбарларга боглик. Бир туман хокими ўзиаёллари орасида кенг тарқалган ва ўз-ўзидан уларнинг фарзандларига ўтиши мумкин бўлган камконлик кишини ташвишга солади. Фақат вазирлигимиз эмас, бутун Корақалпоғистон жамоатчилиги хотин-қизлар орасидаги камқонликни бартараф этишга са-

Тармокдаги ислохотларни чукурлаштиришда кадрлар малакасини ошириш алохида ўрин тутади, албатта. Хозир Коракалпогистонда 4030 нафар малакали врач фаолият кўрсатмокда. Улар малакасини жахон андозаларига якинлаштириш юзасидан тигиз иш

Tapmokda yszapuw bop

нинг маошидан марказий касалхонага гилам хадя қилди. Эртасига йирик бир корхона рангли телевизор олиб берди. Учинчи корхона шифохонанинг бир бўлимини ажойиб таъмирлаб берди. Бутун туман касалхонага ёрдам қўлини чўзди. Хозир ўша туман шифохонасининг айрим бўлимлари ғарбнинг бежирим офисларидан қолишмайди.

Бугунги кунда Қорақалпогистон тиббиёти зиммасида мураккаб вазифалар турибди. Бу сохадаги ислохот бирданига бир неча йўналишда амалга оширилмокда. Дастабки йўналиш шундан иборатки, тиббий томондан республика ахолисининг барча қатламлари камраб олинмокда. Бу борада янгидан ташкил этилган шошилинч тез тиббий ёрдам марказлари хамда 80 дан ортиқ қишлоқ врачлик масканлари қул келмоқда. Иккинчи йўналиш «Она ва бола» давлат дастурининг тўлиқ ижросини таъминлашни кўзда ту-

Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, Оролбўйи

фарбар қилинган. Бу борада ўз имкониятларимиз етарли эмаслигини яхши биламиз. Айникса, ЮНИСЕФнинг аник максадли дастури асосида бажарилаёттан ишлар бу борада муз кўчганидан далолат бермоқда. Эътирофга лойиқ жихати шуки, авваламбор бу йўналишда бажарилиши зарур бўлган ишлар атрофлича ўрганиб чикилди, тахлил килинди, режалар белгиланди. Бу борада профессор У.Атаниёзова бошчилигидаги «Перзент» маркази катта ишлар қилмоқда. Ислохотларни амалга ошира бориб ёшлар соглигини мухофаза қилишга хам ахамият бермокламиз. Айникса, қарияларга эътибор кучайтирилди. Йилнинг ўтган даврида 107239 нафар қария тиббий кўрикдан ўтказилди. 41894 нафар қария амбулатория, 8719 нафар қария уй. 727 нафар қария санаторий шароитларида сихатини мустахкамлаб олди. Еши улуғ кишиларга нисбатан эътибор Қарияларни кадрлаш йилилагина эмас.

доимо диққат марказимизда

врачимиз Украинада тажриба ўрганиб қайтди. Қолаверса, Халқаро «Чегара билмас шифокорлар» гурухи, «Экосан» жамғармаси томонидан уюштирилган «Саломатлик поездлари ишимиз савиясини яхшилашга яқиндан ёрдам бер-

Айни чогда ўрта тиббиёт ходимларининг билим хамда малакасини оширишда янги уфклар очилди. Бизда 15912 нафар ўрта махсус маълумотли тиббий ходимлар ишламоқда. Яқинда Бустон шахрида ўтказилган «Хамшира -2002» кўрик-танловининг мамлакат боскичи бу касб эгаларининг обрўсига обрў қўшди. Корақалпогистонлик Гулавсер Курбонова жорий йилда Узбекистоннинг энг яхши хамшираси деб тан олинди. Бу биз қорақалпоғистонлик шифокорларга қанот, куч-ғайрат бағишлайди.

М. ТУРИМБЕТОВА, **Кора**қалпогистон Республикаси согликни сақлаш вазири.

Нашриёт тухфалари

«Болалар Нейрохирургияси)

Нейрохирургия бошқа фанларга нисбатан ёш фан. У ўзининг илмий ва амалий муваффакиятлари билан тиббиёт сохасида мустакил равишда ривожланмокда. Асаб тизимининг жарохатланиши, касаллик турларининг болалар орасида купайиши, беморларнинг нейрохирург ёрдамига мухтожлиги хамда даволаш натижасида олинган хулосалар амалий нейрохирургиянинг тараққий этишига олиб келди. Булар, албатта, мутахассис нейрохирурглар тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни талаб этади...

Ибн Сино номидаги Тиббиёт нашриётида чоп этилган



Болалар нейрохирургияси номли 4тиббиёт фанлари доктори, профессор А.Мирсодиков ва тиббиёт фанлари номзоди Д.Мирсодиков) дарслик замонавий ўкув дастурига мослаштирилган холда ёзилган. Унда болаларда учрайдиган асаб тизими жарохатлари, касалликларнинг келиб чикиши, клиник кечиши, диагностикаси ва даволаш усуллари батафсил ёритилган. Дарслик. айникса, ўзбек тилида ёзилганлиги билан ахамиятлидир. У нафакат талабаларга, балки бемор болалар билан юзма-юз келадиган, уларнинг саломатлигини тиклашда фаол иштирок этадиган тиббиётнинг бошқа соҳа шифокорлари учун ҳам фойдали қулланма-

Tamxuc **К**ўюВчи «kўмакчилар»

Тиббиёт ривожланишининг илк босқичларидаёқ шифокорлар бемор қиёфаси, гавда тузилиши, тери ва шиллик пардалари, турли ажратмаларига, қондаги ўзгаришларга қараб касаллик ташхисини аниклаш-га харакат қилғанлар. Натижада функционал ва клиник лаборатория ташхиси фани ривожланган. У физика, кимё, биология. математика хамда



бўлган ўзига хос фандир. Медицина амалиётининг бугуни ва эртасини лаборатория ташхисисиз тасаввур этиш қийин. Хар қандай шифокор хам ўз билимини функционал ва клиник лаборатория ташхисидаги ян-гиликлар билан, бойитиб бориши керак. Шундагина у янги текшириш усулдаридан фойдаланишта интилади. олинган маълумотларни киёслайди ва даво чоралари куришта харакат килади.

Функционал ва клиник лаборатория ташхисини қуйиш учун беморда оддий ва мураккаб усулларда текшириш олиб борилади. Шунинг бу сохада хизмат килаётган ходимларнинг янги аппаратлар, ускуналар, реактивлар би лан ишлашда малака ва куникмаларини ошириб бориш талаб этилади. Албатта буларнинг барининг махсус дастур ва дарсликда жамданиши, айникса, олий тоифали хамширалар тайёрлашда аскотиши табиий. Шу маънода Н.Абдуллаев. Х.Каримов. Т.Умарова ва А.Усмонхужаевларнинг ва А.Усмонхужаевларнинг "Функционал ва клиник лаборатория ташхиси буйича текшириш усуллари" дарс-лик китобининг Ибн Сино номидаги Тиббиёт нашриётиэтилиши мухим ахамият касб этади.

У. РАХМАТОВА.

қарамай, айрим туманларда шундай воситаларни сотиб олишга бефарклик килинаётгани кўзга ташланяпти. Масалан, мутахассислар Уйчида патологик тугруклар ортиб кетганлиги илдизларини тугиш ёшидаги аёлларнинг атиги 36,1

маси бошлигининг ўринбосари Абдумалик Рахмон. --Факат ўзбекчилик-да, фарзанд кутаётган аёлларнинг хаммаси хам тиббий марказ кўригига келавермайди. Аммо, таргибот ва тушунтиришларимиз натижаеида шифокор хузурига келаётганлар сони ортяпти. Масаланинг мохиятини англаб етишяпти, чоги. Утган ойлар давомида 479036 нафар туғиш ёшидаги аёлнинг 93 фоизи чукурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтди. Хасталиги аникланганларни амбулатор ва стационар шароитларда даволаяпмиз. Бундан ташқари чақалоқларни текшириш жараёнида 12 нафар гўдак туғма касалликларга чалинганлиги

шифохонага ёткизилади.



Тиббиётнинг қай бир йўналишида бўлмасин, суратларда акс эттирилган бу шифокорлар инсон хаёти учун масъулдирлар. Зеро, уларни бежиз са-

Necuk жон иситмасиз Бўлмас

Шифокор огохлантиради

Холецестит — бу ўт пуффагининг яллигланиши. Бугунги кунда кўп учрайдиган касалликлардан. Буни XXI аср хасталиги деб хам атайдилар. Боиси хозирги кунда шошилинч тиббий хизмат кўрсатилаётган беморларнинг 20-30 фоизини шу-дардга чалинганлар ташкил этади. Шунингдек, ўт пуффагида ва ўт йўлларида тош хосил буладиган хасталик хам бор. У ўт-тош касаллиги. Тошнинг пайдо бўлишида ўт пуффагининг яллигланиши мойиллик курсатади. Бу касаллик билан купрок аёллар хасталанадилар.

Хозирги пайтда ўт пуффагининг яллигланишини келтириб чикарувчи омиллар юздан ортик. Ут димланиши, унга инфекция тушиши хамда лецитин билан холестерин микдорининг ўзгариши хам шунга киради. Бунда ўтнинг димланиб колишига асосан овкатни куп истеъмол килиш сабаб булади. Ут узлуксиз равишда жигардан ишланиб чиқиб турса-да, бироқ ичакка овкат хазм килиш пайтидагина куплаб микдорда тушиши мумкин. Бу эса ўтнинг ўт пуффагида узок қолиб кетишига сабаб булади. Натижада у қуюқлашади. чўкма хосил булади ва тошларнинг пайдо булишига замин яралади. Бундан ташқари узоқ ўти-

риб ишлаш, кам харакатлилик, хаддан ташқари семириб кетиш ва ёгли овкатларни меъёридан ортик, узок муддат истеъмол килиш хам ўт пуффагининг яллигланишига сабаб булиши мумкин. Бунда организмдаги инфекцион хасталиклар, жумладан тиш кариеси мухим ахамият касб этади. Оксил ва ёг алмашинувининг бузилиши ўт пуффагининг яллигланищи учун қулай шароит яратади. Касаллик кекса ёшдаги кишиларда кўп учрайди. Унинг белгилари ҳам кўп қирралидир. Асосан ёғли овқатлар истеъмол қилиш, спиртли ичимликларни сурункали ичишдан кейин бошланади. Унг томон қовурға

ости. ўнг томон елка, кўл ва курак ости сохаларида санчикли огрикнинг булиши, эрта лаб турганда тил қуриши. огизда аччик таъмни сезиш. кўзнинг ички қисми, терида сарғайиш, холсизлик каби белгилар кузатилиши мумкин. Бундай холатда албатта аввало ички касалликлар шифокорига мурожаат қилиш ло-

Халқимизда хаста булмасдан бурун соғлиғинг қадрига ет, деб куп гапирилади. Шу боис ўт пуффаги яллигланиши хасталиги билан огримаслик учун нималарга эътибор бериш кераклигини хам таъкидлаб ўтмокчиман. Аввало овқатданганда шўр, аччиқ, ёгли овкатларга ружу куймаслик лозим. Танадаги инфекцион, гижжа касалликлари. айникса тишларнинг кариесини ўз вақтида даводатишга алохила эътибор бериш керак. Кундалик турмушимизда фақат сифати яхши булган тузлардан фойдаланиш фойдадан холи эмас.

Агарда бундай кўрсатмаларга амал қилсак, ўйлаймизки, мазкур касаллик билан хасталанишнинг олдини олган бўламиз, саломатлигимиз янада мустахкамланади. Зеро, соғлом инсонлартина соглом жамиятни ташкил этали

> Нуриддин ТОШБОЕВ, Согликни саклаш вазирлиги Саломатлик институти шифокори.

Вокеа арафасида

Кудратилла

нажмиддинов,

«Халқ сўзи» мухбири.

Республикамизда Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази фаолият кўрсата бошлаганига хали кўп вакт бўлгани йўк. Аслида 1998 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси согликни саклаш тизимини ислох килиш Давлат дастури тўгрисида"ги Фармонида Республика Шошилинч тиббий ёрлам маркази хамда унинг Нукус шахри ва вилоят марказларидаги филиалларини ташкил этиш билан боглик алохида банднинг мавжудлиги бу марказнинг бунёд этилишига асос бўлганди. Ўтган қисқа давр мобайнида Давлат дастурида белгиланган бир қанча ишлар амалга оширилди. Фаолият кўрсатаётган Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг барча вилоятларда худудий марказлари, туманларда, таъбир жоиз бўлса, филиалчалари ташкил бўлди. Уларнинг кўплари янгитдан бунёд этилди, айримлари кайта таъмирланди: Энди эса бу марказларда олиб борилаётган ишларни тахлил килиш, уларни янада такомиллаштириш тўгрисида маслахатлашиб олиш вакти етди. Шу муносабат билан бугун Тошкентда "Шошилинч тиббий ёрдамни ташкил қилишнинг долзарб муаммолари: шикастланишлар ва уларнинг тиббий-ижтимоий окибатлари" мавзуида иккинчи республика илмий-амалий анжумани иш бошлайди.

бебахо бойлик қадри

таъкидлаш керакки. - дейди биз билан сухбатда Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бош директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдухаким Хожибоев, - республикамиз Президентининг Фармонидан сўнг барча вилоятлар, туманларда шундай марказларнинг ташкил булиши бу беморларни дарддан фориг этишда мамлакатимизда ягона, узвий даволаш тизими яратилганини курсатиб турибди. Хамдустлик давлатларининг хали биронтасида инсон хаётини саклашдаги бундай узвийлик мавжуд эмас. Марказимизда жахон соғлиқни сақлаш тизимига кўра, турли хасталикларни даволашнинг илмий йўллари, усуллари ишлаб чиқилади. Улар худудий бўлим ва филиалчаларда амалиётга татбик этилади. Марказга "илмий" деб сифат берилгани хам шундан. Энг мухими, беморларга давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам курсатилади. Чунки марказларимиз Согликни саклаш вазирлигининг саъй-харакати билан беминнат ёрдам тариқасида республикамизга кел-

ламчи дори-дармонлар билан таъминланади. «Боши огриганга дунё

тирилаётган ҳаётий зарур, бир-

қоронғу», деганларидек, аввало хеч банда огримасин. Дард бир ёпишдими, инсон хаёти хавф остида қолади. Марказимизга келтириладиган беморлар куп холда оғир ахволда бўлади. Шундай дамларда



шифокорнинг аклу фаросати. биринчи навбатда эса билими асқотади. Тез, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш хаёти хавф остида турган беморни ўлимдан сақлаб қолиш эканини шифокорларимиз яхши, билишади. Чунки шешилинч тиббий хизмат ўз номи билан бу ерда ишлаётган ҳар бир шифокордан тезкорликни. пухта билимни, айни пайтда тез ёрдам кўрсатиш зарурлигини англатади. Шу боис хам малакали мутахассислар марказга вазирликийнг алохида қарори билан танлов асосида олинади. Тиббиёт ходимлари хар йили аттестациядан ўтка-

зиб турилади. Шунингдек,

Москва. Санкт-Петербург хамда Американинг Атланта шахарлари билан илмий алоқада, хамкорликда булған марказ мутахассислари малака ошириш, тажриба алмашиш мақсадида тез-тез борди-келди килиб туришади.

Халкимизга шошилинч

тиббий хизмат курсатиш бе-

морларни даволаш жараёнини қисқартириш, унинг натижасини яхшилаш, шунингдек, ўлимни камайтиришда мухим ўрин тутиши, шубхасиз. Чунки бизнинг мамлакатимизда хар бир инсон хаёти жамиятнинг бебахо бойлиги хисобланади. Халқ соғлиғи - юрт бойлиги, деган нақл бежиз айтилмаган. Шу маънода бугун иш бошлайдиган анжуманимизда, аввало, ўтган даврги ишларимизни сархисоб қилиш ниятидамиз. Қолаверса, анжуман олимларнинг, соғликни саклаш ташкилотларининг ва турли хил мутахассисликдаги шифокорларнинг интилишларини шошилинч тиббиётнинг устувор муаммоларини хал этиш йўналишида бирлаштириб, давомий ва самарали илмий-амалий хам-

> «Халқ сўзи» мухбири Умида ФАЙЗИЕВА сухбатлашди.

корликни юзага келтиради

деган умиддамиз.



ломатлик посбонлари дейишмайди.

Сахифага мактуб

Газетхон миннатдорчилиги

Якинда бетоб бўлиб Жиззах шахридаги кўп сохали даволаш касалхонасига тушиб қолдим. Умрингдан барака толкур шифокорлар менга керакли муолажаларни қилиб, оёққа туриб кетишимда ўз ёрдамларини аяшмади. Бош шифокор Мухтор Эшбеков хар куни холимдан хабар олиб турди. Уруш қатнашчиси бўлганим учун менга алохида эътибор бераётган бўлса керак, деган ўйга боргандим. Янглишган эканман. Касалхонадаги барча беморларга менга қандай қарашаётган бўлса, шундай қарашар экан.

Касалхона барча қулайликларға эга замонавий асбоб-ускуналар билан жихозланган. Ташхисни қўйиб, тез муолажалар бошлашади. Вақт бекор кетмайди. Касалхонадан хурсанд бўлиб, даволаниб чикиб кетаётган беморларнинг тилаги битта. Дардига малхам бўлган шифокорларнинг қўллари дард кўрмасин.

Туроб АЛИМОВ. І-гурух уруш ногирони. Жиззах вилояти.

Табобат олами янгиликлари

Балик мойи аклни пешлайди

Француз олимлари бир ярим мингдан ортиқ қариялар соғлиғини кузатиб, балиқ қариб, куч-қувватдан қолишнинг олдини олишини аникладилар. Хафталик таомномалардан балик ёки денгиз махсулотларидан тайёрланган хеч булмаганда битта овқат ўрин олган булса, ҳам кексаларнинг ёшига қараб қобилияти па-сайиши камлиги сезилди. Чунки балиқ мойи таркибига кирувчи ёг кислоталари шамоллаш жараёнлари олдини олишда мухим роль уйнайди. Шу билан бирга у қариганда хотира заифлашишининг хам олдини олади. Бундай текширишлар ҳақида француз олимлари матбуотда хисобот эълон қилдилар.

Мия тасвирини

кузатиш

Олимлар инсон мияси фаолияти тасвирини Интернет орқали кузатиш имкониятига эга буладилар. Бунда соғлом ва хаста инсон миялари солиштирилиб. касаллик аниклана-ди. Пайти келиб инсон мияси фаолияти хакидаги маълумотлар халкаро банкка йигилади. Мижозни текшираётган шифокор унинг мия фаолиятини банкдаги маълумотлар билан солиштириб куриб, хулоса чикариш им-

Кофе рак келтириб чикарадими?

Купчилик чой ёки кофени қайноқ ҳолда истеъмол килишта одатланган. Бу зарарлими ёки... Авваламбор қайноқ чой ёки кофедан тилни куйдириб олиш мумкин. Қолаверса, олимлар бундай одат ошкозон ракини келтириб чикаради, дейишмокда. Испаниялик тадкикотчиларнинг таъкидлашича, халдан ташқари қайноқ холда истеъмол қилинган ичимлик натижасида ошкозон раки ривожланици тўрт баробарга ошаркан. Бунинг сабаби ичимлик огизда етарли даражада совумасдан ош-козонга тушишида. Шу уринда бир огиз гап кофе хакида. Кофе одамни инсульт ёки инфарктга дучор килади, деб хисобланади, купинча. Шотландиялик олимлар буни инкор этадилар. Инсон организми кофе таркибидаги кофеинга ургангач, унинг мия фаолияти яхшиланади. Сабаби мутахассисларнинг фикрича, кофенн ақлий фаолиятни секинлаштирувчи моддаларни бартараф килар экан.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

Алишер Навоий отасилан ёш етим колган. Ушанда у 14-15 ёшларда эди. Худди шу пайтда (1456 йил) ёш шоирнинг хомийси, ғамхур тарбиячиси булмиш Хуросон хукмдори Абулкосим Бобур мирзо хам дунёдан ўтди. Ана шундай оғир бир холатда эканида ёш йигитчанинг жонига оро кирган зот Саййид Хасан Ардашер

Бу мухтарам зот билан ўзининг ўртасидаги қадрдон дўстлик тўгрисида Навоий бундай деб ёзади:

Менга зохирда атоу устод Лек маъни аро пири иршод. Мен анинг бандалиғидин хурсанд Ул дебон лек рафику фарзанд Лақаби Саййид ўлуб оти Хасан Лақаби янглиғ оти мустахсан.

Маъноси: Менга куринишда хам ота, хам устод каби эди. Лекин аслда эса пир ва тўгри йўл кўрсатувчи бўлган.

Мен унга банда бўлганимдан хурсанд бўлсам, у мени дўст ва фарзанд деб атар эди. Лақаби Саййид, оти Хасан. Лақаби хам оти каби гўзал.

Ёш Навоийнинг бу катта ёшли дўсти ҳамиша уни юксак интилишлар, олийжаноблик йўлига етаклар, шеър айтмоққа ундар эди.

Уша пайтларда Навоийнинг шеърлари Хуросонда кенг шухрат топа бошлаган. Саййид Хасан Ардашер уларни севиб ўкир, адабий сухбатларда илхом билан ташвиқ ва тарғиб этар эди. Хусусан Навоийнинг

Фуркатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар Лолалар эрмаски, багримдин эрур парголалар.

Ёки Ул паривашким, бўлубмен

зору саргардон анга Ишкидан олам менга хайрону

мен хайрон анга. деб бошланадиган ғазалларини кўп жойларда ёддан ўкир ва юксак бахоларди.

Саййид Хасан Ардашернинг отаси Темурий шахзодалар ичида илм ва ижодга хомийлик билан ном чикарган шахзода Бойсунгур мирзонинг мулозимларидан бўлган. Кейинчалик Саййид Хасан ўзи хам ўша даргохда хизмат қилди.

Устодининг куп билимдон бир киши бўлганини Навоий алохида таърифлайди. Шоирнинг ёзишича бу зот "сарф ва нахв ва луғат ва арабиёт ва мантиқ ва калом ва фикх ва хадис ва тафсирдур ва сойир таснифот мисли шеър ва муаммо ва тарих, нужум ва адвор ва мусикий булгай" барчасидан мукаммал хабардор эди.

Саййид Хасан Ардашер туркийзабон адабиётнинг улуг намояндаси Лутфий шеъриятига юксак бахо берган. Форсийзабон шеъриятнинг йирик арбоблари Саъдий, Хофиз, Аттор асарларини севиб ўкиб, кўпларини ёд билган.

Навоий 1466-67 йиллари Хуросон хукмдори Султон Абу Саид томонидан Хиротдан чикариб юборилди. Ушанда Самарқандға келди ва бу ерда тахсил қилди. Уни Самарқанддан Хиротга Саййид Хасан Ардашерга ёзган каттагина шеърий мактуби бор. Илм ахли уни "Хасби хол" ("Уз ахволининг баёни") деб атайдилар. Навоий бу мактубида ўзининг катта ёшли дўсти ва ғамхўрига юрагидаги энг эзгу хис туйгуларини изхор этади:

Вафо анга пеша, сахо анга фан Вафоу сахо кони Саййид Хасан. Менгаким видодингга

(дўстлигингга) хурсандмен. Жанобингга шогирду фарзандмен...

XAM oma, yemod

Бу мактубда шоир ўзининг туркий тилдаги шеъриятга садокатини ёзади. Агар имкон берилганда ўзининг "Шохнома" каби катта асарлар яратмоққа қодир эканини айтади. Аммо хозир бундай шароит йўқ. Аксинча, у овораи сарсон, "бошин олиб бир тарафга" кетган.

Шундан сўнг Навоий Хуросон халқи бошига тушаётган кулфатлардан нолийди. Ўзининг ёлғизлигидан шикоят қилади. Аммо шоир ёзадики, у ўз ҳаётини элу юрти учун бағишлаяжак:

Урармен қадам токи боргунча гом (одим) Ки бўлғай муяссар

менга ушбу ком. (мақсад) Агар бўлса бу йўлда умрим толаф (халок) Чу бу йўлдадир ул хам эрур шараф.

1469 йили Хуросон хукмронлиги Султон Хусайн Бойқаро қўлига ўтди. Алишер Навоий Самарканддан Хиротга қайтди ва бу давлат-

> бири бўлди. Султон Хусайн эл ўртасидаги муътабар зотлардан бўлган Саййид Хасан Ардашерни хам ўз давлати хизматига таклиф қилди. Гарчи у бундай хизматдан ўзини четда тутсада, подшохнинг сўзини ерда қўймай ноилож рози бўлди. Бу тўгрида Навоий ёзган: "Ва алар икки йилгача

подшохнинг муборак хотири

учун чериклар машаққатин

тортиб, сафарлар балосиға

нинг обрули арбобларидан

ўзларин солиб юрдилар. Ва инъом ва улуфа мутлако олмадилар. Ва дарвишона кисват била мулозимат қилурлар эди" ("Икки йил давомида подшохнинг қутлуғ хурматини қилиб қушин ишлари, сафарларнинг машаққатини чекдилар. Хеч қандай инъом, маош, озиқ-овқат олмадилар: дарвишларча кийим-бош кийиб хизматда бўлдилар"). Охири подшох курдики, бу зотни мулозиматда саклаш "зулм бўлгудектур, рахм қилдилар"

ва хизматдан бушамоққа рухсат бердилар. Саййид Хасан Ардашер билан Навоийнинг дўстлиги бутун умр бўйи давом этли. Устод 1488 йили 73 ёшда дунёдан ўтди. Ўша кунлари Навоий Хиротда эмас эди. У подшохнинг буйруги билан бир ерга кетганди. Хиротга қайтиб келгач, мархум дустининг вафоти муносабати билан таъзия коидаларини бажарди. Хиротнинг энг бахаво жойларидан бирида тог этагидаги "Жуйи нав" ("Янги арик") суви ёкасида махсус хазира (хилхона) бино қилди ва устоди хокини ўша ерга ўрнаштирди. Сўнгра у билан хамсухбат бўлган зотларнинг хокларини хам турли жойлардан олдириб келиб шу ерга дафн эттирди. Халқ ўртасида бу жой "Азизлар хазираси" номи билан машхур

Навоий билан Саййид Хасан Ардашер ўртасидаги самимий дўстлик катта ёшли авлод билан улардан кўра ёшроқ авлод ўртасидаги маслакдошлик, хамфикрлилик ва шу туфайли келиб чиққан ўзаро хурмату қадрдонликнинг ёркин тимсолидир. Устод Навоийдан 25-26 яшар катта эди. Аммо улардаги эзгулик, ҳаққоният, ҳалқпарварлик тамойилларига садокат бу дўстликнинг асосини ташкил этади.

Навоий ўзи учун хам ота, хам устод қатори азиз бүлган бу мухтарам зот хотирасига бағишлаб "Холоти Саййид Хасан Ардашер" номли рисола ёзган. Бу китобчада унинг юксак сифатларини бирмабир баён қилган.

> Азиз ҚАЮМОВ. Академик.

Мамлакатимиз олимлари франциялик тадқиқотчилар билан хамкорликда куп йиллардан буён кухна Термиз обидаларини урганмоқдалар. Қоратепа, Чингизтепа, Фаёзтепа ёдгорликлари

олимларга бирин-кетин

ўз "сир"ларини очмоқда. Тадқиқотлар натижаси шуни курсатмоқдаки, милоддан олдинги III-II асрда бу ерда харбий истехком барпо этилган. Кушонлар даврида эса у ибодатхонага айлантирилган. Бу ерда уша даврга оид тангалар, сопол буюмлар, оқ охактошдан тайёрланган меъморий деталлар Кушонлар даврини урганишда мухим манба булиб хизмат қилмоқда.

Суратда: Чингизте-

Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Битикларга сочилган тарих



Бокий кадрият

Маълумки, юртимизнинг қадимий ўлкаларидан бири Хоразмдан кўплаб буюк алломалар — илм-фан ва маданиятнинг машхур арбоблари етишиб чиккан. Улар силсиласида XI асрнинг охири, XII асрнинг биринчи ярмида фаолият кўрсатган буюк аллома Махмуд аз-Замахшарий (1075-1144) алохида ўрин эгаллайди. Тилшунослик, адабиётшунослик, лугатшунослик, география, шунингдек, исломий илмларда (тафсир, хадис, одоб-ахлок ва хоказо) олтмишга якин асарлар яратган аллома ўз даврида юксак лакабларга сазовор бўлган. Шунингдек, ўша даврда Хоразмда кенг тарқалган муътазилиййа эътикодининг оташин тарафдорларидан бири сифатида хам донг таратган.

Аз-Замахшарийнинг xaAuqacu

Унинг бой илмий-маънавий меросининг таъсирида Хоразмдан кўплаб етук олиму уламолар етишиб чиққан. Мана шундай йирик олимлардан бири Абул Фатҳ ал-Мутарраззийдир. Унинг хаёти ва асарлари хакидаги маълумотлар асосан ўрта асрларда фаолият кўрсатган араб муаллифларининг, жумладан, Ёкут ал-Хамавий. Зайниддин Қосим ибн Қут-Халликон, ал-Кафавий, Абдулхай ал-Лакнавий, Хожи Халифа кабиларнинг асарларида келтирилган. Мана шу манбаларга таяниб айтиш мумкинки, Абул Фатх ал-Мутарраззийнинг тўлиқ исми Бурхониддин Носир ибн Абул Макорим Абдуссаййид ибн Али Абул Фатх ал-Мутарраззийдир. У 1144 йилда, айнан шу йили аллома аз-Замахшарий вафот қилган Хоразмнинг Журжониййа (хозирги Кухна Урганч) шахрида тугилади. Узининг ватандоши каби юксак салохиятли, илм-фаннинг турли сохаларидан мукаммал билимга эга бўлганлиги туфайди хам кейинчалик «халифат (аз-Замахшарий» аз-Замахшарийнинг халифаси, ўринбосари) деган ўта шарафли лақаб билан хам машхур бўлган. Иккинчи томондан «аз-Замахшарий каби муътазилиййа эътикодига берилган булиб.

бу борадаги ишларини да-

вом эттириб, бошкаларни

хам унга даъват қилган. Хатто у ўз даврида бу окимнинг кенг ёйилишила маълум даражада етакчи ўрин эгаллаган. Шунга кўра, уни «раас ал-муътазила» (муътазилийларнинг пешвоси, сардори) номи билан ҳам атаганлар. Урни келганда айтиш керакки, у эътиқодда муътазилиййа окимида бўлсада, мазхабда эса имом Аъзам Абу Ханифа асос соиййа мазуабила бўлган. Шу боисдан хам ал-Мутарраззий хакида ўзининг «Муъжам ал-удабо» («Адиблар қомуси») номли йирик асарида кимматли маълумотларни келтирган машхур олим Ёкут ал-Хамавий (у Абул Фатҳдан ўн беш йил кейин — 1229 йилда вафот этган) унинг диний эътикоди хакида «Абул Фатх ал-Мутарраззий гарчанд муъта-

Абу Ханифа мазхабига мансуб эди» деб ёзган. Ал-Мутарраззий маърифатли, зиёли бир оилада туғилган. Унинг отаси Абдуссаййид ўз даврининг ўкимишли, билимдон кишиларидан бири булган. Бинобарин, Абул Фатх дастлабки таълимни ўз отасидан одган. Кейинчалик ўша пайтда Хоразмда фаолият кўрсатган бир канча таникли олимлардан турли илмлар буйича сабок олган. Бу олимларнинг деярли хаммаси аз-Замахшарийнинг шогирдлари эдилар. Улардан фикх, хадис, тил-

зилиййа пешвоси бўлса-да.

шунослик, лугатшунослик, адабиётшунослик каби илмлардан мукаммал сабок олади ва ўз даврининг етук олими даражасига эришади. Манбаларда ёзилишича, 1204 йилда, яъни олтмиш ёшида хаж ибодатини адо этиш учун Маккаи мукаррама томон сафарга чикади ва шу йили Багдодда тўхтаб, бу шахардаги факихлар ва адиблар билан қизғин баҳс ва мунозараларда иштирок этали У 1213 йилда Хоразмда ва-

Ал-Мутарраззий фикхшу-

нослик, араб тили ва грамматикаси, адабиётшунослик, луғатшунослик илмларига оид ўнга якин асарлар яратган. Улардан машхур араб адиби ва тилшунос олими ал-Харирийнинг (1054-1122) мақоматларига ёзган «ал-Ийзох» номли шархи, лугатшуносликка оид асари «ал-Икноъ фил-лугати», нахвисарфга оид «ал-Муқаддима фин-нахви», «ал-Мисбох фин-нахви», ибн Саккийтнинг «Ислох ал-мантик» номли асарига бағишланган мухтасар асари «Мухтасар «Ислох ал-мантик»ли ибн ал-Саккийт», лугатшуносликка бағишланған энг машхур асари «ал-Мугриб» («Faройиб китоб») номли асарларини кўрсатиш мумкин. Шубҳасиз, «ал-Мугриб» ислом конунчилиги - фикхнинг ханафиййа мазхабида қўлланиладиган истилохларининг изохли дугати сифа-

чиси Ибн Халликон Абу Фатх (1211-1282) бу асари хакда «Абу Мансур ал-Азхарийнинг лугати шофеъий мазхаби учун қанчалик ардокли бўлса, ал-Мутарраззийнинг бу асари ханафийлар орасида шунчалик қадрлидир» деб алохида таъкидлаган. Муаллиф томонидан асарга ёзилган кискача сўзбошидан маълум бўлишича, у аввал бу асарини «ал-Муъриб» («Қоидали ўқиш ва ёзиш») деб атаган, сўнгра асарда изохлари келтирилаётган сўз ва ибораларни алифбо тартибида асарига бошкача, яъни курсатиб, «ал-Мугриб фи тартиб ал-Муъриб» («Қоидали ўқиш ва ёзишнинг тартиби хакида ғаройиб китоб») деб номлаган. Асар қисқача «Ал-Муғриб» деб аталиб, тез орада машхур асарлардан бири сифатида тан олинган ва хатто купгина урта аср манбала-

тида гоятда қимматлидир.

Шу боислан хам араб тарих-

тилмасдан қисқача «Сохиб ал-Мугриб» («ал-Мугрибнинг сохиби, муаллифи») деб келтирилган ва бу барча томондан қабул қилинган. Фикхшунослик сохасида мухим манба сифатида бу асар бир неча марта нашр хам этилган. Жумладан, 1910 йилда Хайдарободда (икки жилдда) ва 1982 йилда Суриянинг пойтахти Дамашкда Махмуд ал-Фохурий ва Абдул Хамид Мухтор томонидан босмадан чиккан. Фикримизча бу кимматли манбанинг қўлёзма нусхалари дунёнинг кўп шахарларида сақланади. Хозирги маълумотларга кўра. асарнинг энг қадимий уч қўлёзма нусхаси (426, 3267 ва 9761 рақамлари остида) Тошкентда, Абу Райхон Беруний номидаги Шаркшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасидадир. Бу асарларни чукур ўрганиш бундан саккиз аср мукаддам биз авлодларга бебахо маънавий мерос қолдирган аллома ал-Мутарраззийнинг хаёти ва асарларини кенг халк оммасига етказишдек эзгу ишларнинг асосини ташкил қилади, деб ўйлаймиз.

рида муаллиф ал-Мутарраз-

зийнинг номи тўлик кўрса-

Убайдулла УВАТОВ, Эргаш ДАМИНОВ.

Makmab xammomaapu

Хабарлар окимидан

тузган **k**ўлланма

Андижон вилоятининг Хонобод шахридаги 21мактабда бундан бир неча йил муқаддам "хаттотлик санъати" тўгараги ташкил этилган эди. Бугунга келиб ушбу тўгаракка нафақат мактаб ўкувчилари, балки турли ўкув юртлар талабалари хам қатнаша бошлади. Эътиборли томони шундаки, тўгарак аъзолари турли кўргазмали қуроллар хам тайёрлай бошладилар. Якинда улардан бир нечтаси саралаб олиниб, пойтахтдаги "Геодезия" нашриётида чоп этилди.

Tabuam мусаффолиги учун

Бугун пойтахтимизда Марказий Осиё минтакавий экологик маркази бошқарувчилар кенгашининг йиғилиши ўз ишини бошлайди. Икки кун давом этадиган ушбу анжуманда Марказий Осий мамлакатлари. юртимиздаги давлат ва жамоат ташкилотлари, шунинглек халкаро ташкилотлар вакиллари иштирок этадилар. Маълумки, марказ ўз фаолиятини Марказий Осиёдаги мавжуд экологик муаммоларни миллий ва минтакавий погоналарда давлат муассасалари, махаллий ўз-ўзини бошқарув идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлари хамда жамоатчилик билан хамкорликда хал этишга қаратган.

Мумтоз куйлар ижрочисига эхтиром

Узбекистон Давлат консерваториясида Ўзбекистон халқ артисти. профессор Тургун Алиматовнинг ижодий кечаси бўлиб ўтди. Кечада бутун умрини мумтоз мусикамизга бахшида этиб келаётган устоз санъаткор ва шогирдлари ижросида куй ва қушиқлар янгради. Айникса, "Сарахбари Бузрук". "Ажам". Мухаммаси Баёт". "Кукон ушшоги" сингари мумтоз охангларнинг янграши кеча катнашчиларини санъат олами сари етаклали.

Шунингдек, кечада Узбекистон халқ хофизлари Ориф Алимахсумов, Очилхон Отахонов сингари санъаткорлар ўз сафдошларининг ижод йули хакида тўлкинланиб гапирдилар.

Учрашув

Термиз Давлат университетида таникли шоирлар ва талабалар ўртасида ижодий учрашув бўлиб ўтди. Унда эл суйган ижодкорларимиздан Жуманиёз Жабборов. Нормурод Нарзуллаев. Азим Суюн, Сирожиддин Саййидлар иштирок этдилар. Учрашув сурхондарёлик ёш ижодкорларнинг мушоирасига уланиб кетди.

> "Халқ сўзи", "Туркистон-пресс".

Дарсликлар cupamuza эьтибор

Урта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш институтида ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги дарсликларнинг мухокамасига багишланган йигилиш булиб ўтди. Урта махсус касб-хунар таълими маркази ходимпари, пойтахтимиздаги олий ўкув юртлари профессор-ўкитувчилари, соха муда республикамиздаги касб-хунар коллежлари, академик-лицейларнинг дарсликлар ва ўкув адабиётлари билан қай даражада таъминданаётгани, бу борада белгиланган режаларнинг ижроси куриб

Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 16 августда "Урта махсус, касб-хунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўкув адабиётларининг янги авлодини яратиш тўгрисида" ги карорига биноан 2006 йилгача жами 2 минг 35 номда дарелик ва ўкув қўлланмаси яратилиши керак. Бунинг учун, аввало, тармокда таълим стандартларини ишлаб чикиш талаб этилади.

Ушбу карорни бажариш юзасидан тегишли вазирлик ва таълим муассасалари томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Маълумотларга қарағанда, Олий ва ўрта махсус тавлим вазирлиги Урта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан академик лицейларнинг 4 хамда касб-хунар коллежларининг 250, тайёрлов йўналиши бўйича тармок таъ лим стандартлари ишлаб чикилди. Шу пайтга қадар давлат таълим стандарт-ларига мос бўлган 140 номдан ортик дарслик, қулланма ва уқув адабиёти нашр этилди. Шу билан бирга 277 тайёрлов ўкув режаси тайёрланди, 80 давлат тармоқ стандарти таслиқланди.

Бехбуд БОТИРОВ.



Δynnu mukdum, ўглонарим кийсин деб...

Абдувохид ТЎРАЕВ сурат-лавхаси.

Emmu xa3uHa

Якинда бир мактаб директори мактаб учун товук ўстираётганлиги. ни қизиқиш билан гапириб қолди. Мен, қолған олтита хазинадан ҳам фойдаланиш керак, деган эдим. Э, домла, биз катта ишлаб чиқаришни ташкил қила олмаймиз, деб қолди. Тушундимки, у киши ишлаб чиқаришни хазинанинг бири деб тушунади. Шу ерда аниклик киритиш учун етти хазинага нималар киришини сўрадим. Даврамизда мактаб директоридан ташкари бир канча Укитувчилар, фукаролар ва махалла йиғинларининг раислари, бошқа мутасадди кишилар бор эди. Хаммаси етти хазинани санаб кетди. Бири ишлаб чиқариш деса, иккинчиси деҳқончилик, учинчиси тижорат, туртинчиси илм ва х.к. Сухбатдан шу аён бўлдики, етти хазинанинг нималардан иборат эканлигини хали куплар тушунмас экан.

Энг аввало, хазина сузи нима? Қадимда хазинани аждодларимиз ҳар доим тулиб тураверадиган нарса деб тушунган. Улар одамларни туйдирадиган ва бой қиладиган нарсалардир. Улар моддий ашё хисоблансада, ўз «хизмат»лари билан одамлар маънавий эхтиёжларини қоплашға. рухий оламини бойитишга хизмат қилган. Буларнинг таркибига қуйидагилар киритилган.

Биринчиси, сигир булиб, у рузгор учун битмас-туганмас хазина хисобланган. Ундан сут ва шу билан боглиқ ўндан зиёд махсулот олинган. У хатто урчиш натижасида ўзини хам купайтириб эгасининг бойишига олиб келган.

Иккинчи хазина асалари хисобланган. У ҳам гуллардан асал туплаб эгасига энг шифобахш таомни етказиб берган. Шу туфайли уни оиланинг хазинаси ва табиби, деб атаганлар. Улар хам ўзларини ўзлари купайтириб борганлар.

Кейингиси ипак курти булиб. у ўзидан махсулот, ипак етиштириш

Укинг - бу кизик

билан бирга ўзини хам кўпайтирган. Қадимда, ҳали бошқа матолар кашф қилинмаған даврларда ипак асосан кийим-кечак учун асосий хомашё вазифасини ўтаган. Шу туфайли уни қизларнинг сепи деб ардокланган. Яна бир хазина, бу обжувоздир. Инсон истеъмол қилиши учун турли усимлик ёглари керак булган. Бу эса фақат обжувоз орқали етиштирилган. Шу боис уни оила-

қозонининг ёғи, деб бахолаганлар. Тегирмон хам хазина. Бугдойни ёки бошка галлани ун қилиш учун асқотадиган ускуна тегирмондир. У табиий куч, сув ва шамол билан юради. Уни канча ишлатсангиз, эгасига шунча наф келтиради. Лекин ша-

мол хам, сув хам тугаб колмайди Уни хазинанинг бири, кориннинг белбоги, деб юритилган.

Олтинчи хазина ўрмон хисобланган. Ундан одамлар асосан иморат қуриш учун ва ўтин сифатида фойдаланганлар. Урмон ҳам бир етилса ундаги катта дарахтларни киркаверасиз. кичиклари ўсиб етишиб бораверади. Шу учун уни оила иморатининг «суяги», қозоннинг олови дейишган.

Еттинчи хазина, албатта, товук, У ҳам тухум. ҳам жўжа ҳам гўшт беради. Бир йилда ўзининг вазнидан бир неча баробар оғир булган бебахо махсулот етиштиради. Шу туфайли уни хам оила учун оби-ёвгон ва дори-дармон, деб атаганлар.

Бу етти хазина оилада булса, фаровон яшаш учун асос булади. Қадимда етти хазинага оиланинг бойлиги нуқтаи назаридан қаралған. Бундай хазинага эга бўлган оила хеч махал камбағал. мухтож бўлмаган. Бу холат хозирги кунимиз учун хам долзарбдир.

Хозир хазинага давлат нуқтаи назаридан қарайдиған булсақ, унинг руйхатини купайтириш, кенгайтириш мумкин. Лекин қадимда халқимиздан қолған етти хазина юқорида зикр этилганларидан иборат булган.

Мамаюнус ПАРДАЕВ, Самарканд вилояти «Маънавия» ва маърифат» бўлими рахбари. Узбекистон Марказий Осиё

минтакасида янгитдан шаклла-

наётган хавфсизлик тизимига

аста-секинлик, ларзаларсиз

ўтишга шароит яратди. Шу-

нинг учун айрим ғарб сиёсат-

чилари башорат қилған дав-

латлар ўртасидаги жанжаллар

келиб чикмади. Узбекистон-

нинг масъуллиги туфайли

унинг олди олинди. Республи-

камиз биринчилардан бўлиб

халкаро хавфсизликка тахдид

солаётган терроризм ва экст-

римизм офатини олдиндан

пайқаб, унга қарши курашда

халқаро ҳамжамиятни ҳамкор-

ликка жалб этди.

Узбекистон 11 йил давомида ўз мустақиллигини хар қандай шароитда сақлаши, уни ички ва ташқи душманлардан химоя кила олишини амалда исботлади. Шунингдек, мустакил давлат сифатида ўз ташки сиёсатини олиб борди ва минтакада хавфсизликни таъминлашнинг хам назарий, хам амалий механизмларини шакллантирди.

Энг мухими, мамлакатимиз халқаро муносабатлар тизимида Марказий Осиё минтакасида вужудга келган бўшликни тўлдирди. Бу бўшлиқ собик хавфсизлик тизими тугагандан сўнг пайдо бўлган эди. Агар бу хавфсизлик тизими тўлдирилмаса, уни жахон хавфсизлик тизимини бузадиган кучлар тўлдириши мумкин эди.

Табиийки, бунинг натижасида мамлакатимизнинг жахондаги обрў-эътибори ошди. Хозирги кунда, минтакавий хавфсизлик масалалари Узбекистонсиз хал килинмайди. Бундай шароитда халқаро ташкилотларнинг, айникса БМТнинг юртимизга нисбатан алохида муносабати шакллан-

ди. Мухими, бу муносабат ол-

дингидек, Нью-Йоркдаги ка-

бинетларда ёки учинчи томон-

нинг ахборотлари асосида

эмас, аник жойнинг ўзида, да-

лиллар асосида амалга ошди.

БМТ рахбарининг юртимизга

ташриф, мамлакатимиз рахба-

ри билан учрашиб, минтака-

даги вазият ҳақида аниқ маъ-

лумотга эга бўлиши, умуман

Узбекистон билан танишиши

жахон муносабатларида бир-

мунча роли пасайган, ўз фао-

лиятини қайта кўриб чиқиш-

га хозирлик кўраётган, Узбе-

Панкиси тог дарасида бир

неча ойдан буён гаровда уш-

лаб турилган британиялик

ишбилармон Питер Шоу озод

«Рустави-2» телеканали

орқали маълум қилинган ушбу

ахборотни Кохетин минтака

Питер Шоу шу йилнинг 18

июнида Тбилисида бир неча

қуролланган шахслар томони-

Британиялик ишбилармон

махсус операциялар ўткази-

лиши натижасида озод килин-

ди, деб хабар берган Грузия

давлат хавфсизлиги вазири

Валерий Хабурдзания журна-

Унинг айтишича, амалиё-

тлар пайтида ўзаро отишма-

лар руй берган. Лекин вазир

бошқа маълумотлар ҳақида

Питер Шоунинг озод этил-

ганлиги тўгрисида Буюк Бри-

тания хукуматига маълум

қилинган деб хабар беради

02/8-38-сон қарори.

тўхталмаган.

«News py».

листлар билан мулокотда.

полицияси тасдиклаган.

дан ўгирланган эди.

килинган.

Ушбу ташриф БМТнинг

фикримиз далилидир.

кистон халкаро интеграциялашув жараёнига фаол кириб бораётган бир вактда ва жахонда халкаро муносабатларни хамда ялпи хавфсизликни таъминлашда кучли бирлаштирувчи марказга эхтиёж сезилаётган пайтда амалга ошди. Ушбу ташриф натижасида юкорилаги муаммолар ечими буйича

Узбекистондан бир қанча аниқ

тақилликка эришган пайтлар-

да БМТнинг мамлакатимизга

нисбатан сиёсати тўла-тўкис

шакдланмаган эди. БМТда рес-

публикамиз, унинг тарихи,

сиёсати тўгрисида маълумот.

тасаввурлар, рости, у даражада

бой эмас эди. Айни ташриф

БМТнинг, бошқача айтадиған

бўлсак, жахон хамжамиятининг

Узбекистонга нисбатан аник

стратегик сиёсати шаклланаё-

тганидан далолат беради. БМТ

Бош котибининг Узбекистон-

га қилган ташрифи давомида-

Очиги, мамлакатимиз мус-

таклифлар олинди

ги мулокатларда терроризм, минтакавий хавфсизлик, наркобизнеста карши кураш масалалари асосий мавзу бўлди. Бу масалаларнинг БМТ Бош котиби томонидан Узбекистонда мухокама этилиши мамлакатимизнинг халқаро хавфсизликни таъминлашдаги роли ва ўрни расмий тан олинганлиги

Дунёда вужудга келган бу-

гунги сиёсий вазият халқаро

муносабатларнинг хар бир

субъектидан фаолрок булиш ва

у орқали ўз манфаатларини

химоя кила олишни такозо

этмокда. Шу маънода, Узбе-

кистон БМТ минбари орқали

жахон хамжамиятини минта-

қадағи вазиятдан хабардор

қилиб, минтақада барқарорлик

ва хавфсизликни таъминлаш-

да уларнинг диққатини, мод-

дий, маънавий, техникавий,

харбий ресурсларини жалб

қилиш имкониятига эга бўлди.

БМТ тузилмалари орқали

минтақада гуманитар маконни янада бойитиш, фан ва техника, маданият, таълим сохасида хамкорликни кучайтириш имкониятлари тугилди. Мамлакат ва унинг рахбарияти олиб бораётган сиёсати тўгрисида жахон хамжамиятига очиқ ва холисона ахборот беришта эришди. Табиийки, халқаро муноса-

батлар қанчалик жушқинлашиб, глобаллашиб бормасин, давлатлар ташки сиёсатининг роли шунчалик ортиб боради. Бундай шароитда ўз куч ва имкониятига ишонган, аник стратегик ривожланиш дастурига эга мамлакатларгина ўз манфаатларини химоя қила олади ва халкаро ташкилотлар имкониятларидан фойдаланади. Демак. Узбекистон БМТ билан алокаларни ривожлантириш, янги шароитга мослашиш ва ўз фаолиятини ислох килишдан манфаатдор. Қолаверса, БМТ Бош котибининг Узбекистонга ташрифи бу муносабатларнинг янги боскичга кўтарилишига асос бўлиши, шак-шубхасиздир.

Сайфиддин ЖЎРАЕВ, сиёсатшунослик фанлари доктори.



Янги резолюция киритилди

АҚШ хукумати БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига Ироқ бўйича янги резолюция лойихасини киритди. Россия ва Хитойнинг талабига биноан янги лойихадан АКШнинг Ирокка нисбатан бир томонлама харбий куч ишлатиши масаласи олиб ташланган.

«Рейтер» агентлигининг маълумотига кура, АКШ илгари таклиф қилинган икки босқичли жараён схемасига ҳам рози бўлган. Унга кўра БМТ инспекция миссияси муваффакиятсизликка учраса, БМТ XK Ирокдаги вазият ва унга нисбатан ҳаракатларни яна бир бор кўриб чиҳади.

Маълумотларга кура, БМТ ХК янги резолюция лойихасини шу ҳафтанинг охиригача маъқуллаши мумкин.

Мутахассислар юборилди

Франция полицияси шу хафтанинг сешанба куни мамлакатнинг жануби-ғарбида асирга олинган Испаниянинг икки фукаросини ЭТА баск сепаратчилари ташкилотининг фаол иштирокчилари, деб гумон қилмоқда.

Полиция вакилининг айтищича, бу икки шахс ЭТАнинг юқори лавозимли аъзоларидан бўлиши мумкин.

«Рейтер» агентлигининг маълум қилишича, асирлар сақланаётган Тулузага Париждан террорчиликка қарши кураш бўйича мутахассислар юборилган.

Курбонлар орасида хорижликлар хам бор



Москва прокуратураси Норд-Ост» театр марказида гаровга олиш оқибатида хаётдан кўз юмганларнинг рўйхатини эълон қилди. Расмий маълумотларга кўра, халок бўлганларнинг умумий сони 128 кишини

ташкил қилмоқда. Улардан 120 нафари россиялик, қолганлари эса чет эл фукароларидир.

Янги вакцина ихтироси

Россия иммунолог олимлари ОИТСга қарши вакцина яратишта муваффақ бўлишган. Бу ҳақда «Иммунология институти» директори РТФАнинг хакикий аъзоси Рахим Хаитов маълум килган.

Унинг айтишича, «янги вакцина лаборатория текширувларидан муваффакиятли

ўтган. Айни пайтда клиника шароитида синалмокда». «Интерфакс» агентлигининг маълумотига кура, янги вак-

цина инсоннинг иммун тизимига таъсир қилиб даволовчи синтетик препаратдир.

«MAKSIMA» мебель салони Италия, Испания, Польшадан келтирилган мебеллар,

ёритгичлар, қандиллар, расмлар ва кўрпа-ёстик анжомларини таклиф этади.

«MAKSIMA» АРТ-дизайн студияси хонадонингиз, ховлингиз дизайнини якка тартибда ишлаб беради. КАТАЛОГ бўйича буюртмангиз етказиб берилади.

Узбекистон бўйича өтказиб ва йигиб бериш - БЕПУЛ.







The American Bar Association's Central European and Eurasian Law Initiative (ABA/CEELI) seeks a Finance Manager for its Tashkent office.

Successful candidates must have: Extensive financial management experience (minimum five

EURASIAN LAW INITIATIVE

- years), with advanced education in accounting or finance; Extensive experience with financial management software and accounting spreadsheets, including Microsoft Word Excel and
- Experience working for an international agency: Good English language skills.

Responsibilities will include:

- Managing programmatic business advances and reconciling expense receipts;
- Managing petty cash account and reconciling cash receipts and disbursements;
- Preparing expense reports, bank reconciliation and petty cash reconciliation statements;
- Managing compliance with donor financial management and reporting requirements;
- Managing compliance with local tax and accounting laws; Preparing staff payroll and local tax payments;
- Preparing programmatic budgets, including budget narratives, as
- needed; and Coordinating and liaising with U.S.-based finance staff.

Please send curriculum vitae and cover letter via fax to 152-74-77 or via email to Indira@abaceell.uz. No telephone inquires will be accepted

Deadline for consideration: Thursday, November 12, 2002, 5:00 p.m.

Махсус операция натижасида...



Купорувчиликнинг олди олинди

Филиппиннинг Ланао-дель-Сур провинциясида жойлашган сепаратчилар яширин иш олиб борган лагеридан портловчи моддалар ва уларни тайёрлаш бўйича кўрсатмалар топилган. Шунингдек, жангариларнинг мамлакат оромгохларида бир нечта қупорувчиликларни амалга ошириш бўйича хужжатлари хам кўлга олинган.

Филиппин ҳарбийларининг вакили, полковник Эрнесто Боаканинг айтишича, лагерда машгулот ўтаётган 45 га якин террорчи бор экан.

Пактга **К**ушилмок чи

Бруней давлати АСЕ-АН ташкилотининг аксилтеррор пактига қушилиш ва ушбу хужжатни йилнинг охиригача имзолашни режалаштирмокда.

«РИА» Новости» агентлигининг хабарига кўра, янги минтақавий шартнома Индонезия, Филиппин ва Малайзия ташаббуси билан шу йилнинг май ойида имзоланган эди. Унда давлатлар тегишли разведка ахборотлари билан ўзаро алмашинуви, шунингдек, террорчиларга қарши хамкорликда харбий амалиётлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Айни пайтда АСЕАНга аъзо бўлган 10 та давлатнинг бештаси ушбу пактни имзолади.

Сорос айбланмок да

Парижда америкалик молиячи Жорж Сорос устидан суд бошланиши мумкин. У 1998 йили «Societe Generale» банки устидан назорат ўрнатишга уринганликда айбланмокда. Сорос билан биргаликда яна уч нафар франциялик ишбилармон хам суд қилинади.

Прокуратура Сорос ва ишбилармонларни банкнинг юқори лавозимли аъзосидан махфий ахборотларни олиб ўз манфаатлари йўлида фойдаланганликда гумон қилмоқда.

«News ру»нинг маълум қилишича, агар 72 ёшли Сороснинг айби исботланса, у 2 йилга озодликдан махрум этилиши ва унга 2,5 миллион евро жарима солиниши мумкин.

Эпидемия

Россиянинг Краснодар ўлкасида овкатдан оммавий за-

харланиш оқибатида шифохоналарга келтирилганларнинг сони 775 кишини ташкил қилмоқда. Улка санэпидем назорат марказидан хабар беришларича, улардан 400 нафардан зиёди болалар. «ИТАР-ТАСС» агентлиги-

нинг маълумотига кўра, Россия Бош санитар врачи Ген-

надий Онищенко ушбу дизентерия касаллиги Кропоткин сут комбинати махсулотларини истеъмол килиш окибатида таркалгандигини тасдиклаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

(Вазирликлар, давлат құмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат рүйхатидан утказиш холати туғрисида 2002 йил октябргача булган маълумот):

Давлат руйхатидан утказилди:

1. «Курилиш объектлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва курилиш кумитаси томонидан курилиш, кайта таъмирпаш, техник жихозлаш, лойихалаш, материаллар, конструкциялар ва ускуналарни сотиб олишга тендер хужжатларини экспертизадан ўткавиш тартиби тўгрисидаги низомни тасдиклаш хакида» *Ўзбекистон Рес*публикаси Давлат архитектура ва курилиш кумитасининг 2002 йил 16 сентябрдаги 7-сон карори.

2002 йил 2 октябрда 1177-сон билан руйхатдан ўтказилди (2002 йил 12 сентябрдан кучга киради). 2. «Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган соликни хисоблаб чикариш ва бюджетга тулаш тартиби тугрисида йурикномага кушим-

ча киритиш хакида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қумитасининг 2002 йил 26 сентябрдаги 108, 2002-74-сон қаро-2002 йил 2 октябрда 1107-1-сон билан руйхатдан ўтказилди (2002 йил 12 октябрдан кучга киради).

3. «Юридик шахсларнинг даромадига (фойдасига) солинадиган соликни хисоблаб чикариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўгрисидаги йўрикномага ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон спубликаси Молия вазирлиги ва Давлат солик кумитасининг 2002 йил 26 сентябрдаги 109, 2002-75-сон қарори

2002 йил 3 октябрда 1109-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 13 октябрдан кучга киради). «Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари юридик шахслар томонидан импорт қилинганда йиғим ундириш тартиби тўгрисида низомга ўзгарилар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия ва ги ва Давлат божхона кумитасининг 2002 йил 27 сентябрдаги 113, 01-

2002 йил 3 октябрда 1163-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 13 октябрдан кучга киради). 5. «Энергетика ишлаб чикариш корхоналарида ходимлар билан

ишлашни ташкил этиш қоидаларини тасдиклаш тўгрисида» Ўзбекис тон Республикаси «Уздавэнергоназорат» агентлигининг 2002 йил 10 сентябрдаги 433-сон буйруги. 2002 йил 4 октябрда 1178-сон билан руйхатдан ўтказилди

(2002 йил 14 октябрдан кучга киради).
6. «Узбекистон Республикаси банкларида статистик хисобдорликни ташкил этиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўгрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошкарувининг 2002 йил 21 сентябрдаги 386-1-сон буйруги.

2002 йил 5 октябрда 680-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 15 октябрдан кучга киради). 7. «Кредит уюшмалари томонидан молиявий операцияларни ўткавиш қоидаларини тасдиқлаш тўгрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2002 йил 14 сентябрдаги 21-А/2-сон

2002 йил 7 октябрда 1179-сон билан руйхатдан ўтказилди (2002 йил 17 октябрдан кучга киради). «Пахта хомашёсини саноат йўли билан кайта ишлаш натижаси-

да олинадиган пахта истеъмол ёги, шелуха ва кунжарани хужаликларга қайтариш тартиби ҳақида низомни тасдиклаш тўгрисида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хужалиги аазирининг 2002 йил 19 сентябрдаги 159-сон буйруги

2002 йил 16 октябрда 1180-сон билан руйхатдан утказилди (2002 йил 26 октябрдан кучга киради). 9. «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия хисобининг миллий стандарти (БХМС №21) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия хисоби хисоботлар режаси ва уни кўллаш бўйича Йўрикномани тасдиклаш тўгрисида» Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сон буйруги. 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 2 ноябрдан кучга киради). «Узбекистон Республикаси ИИВ тергов хибсхоналари ва жазо-ни ижро этиш муассасаларида сакланаёттан шахслар тиббий таъминоти буйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида» Узбекистон Республика си Ички ишлар вазирининг 2002 йил 3 сентябрдаги 231-сон буйруги. 2002 йил 24 октябрда 1182-сон билан рўйхатдан ўтказилди

(2002 йил 3 ноябрдан кучга киради). «Импорт истеъмол товарларини хисобга олиш ва сотиш тарти-би тугрисидаги Низомни тасдиклаш хакида» Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Марказий банк, Давлат солик кумитаси ва Давлат божхона кумитасининг 2002

йил 15 октябрдаги 115, ЭГ-В-01/10-4198, 225-В, 2002-84, 01-02/8-44-2002 йил 25 октябрда 1183-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2002 йил 4 ноябрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чикарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида вояга етмаанлар ўртасида жиноятни олдини олиш хизмати ходимлари фаоли гини ташкил қилиш ҳақида құлланма. ЎзР ИИВ томонидан тасдиқлан ган (1994 йил 11 мартда 32-сон билан давлат руйхатидан ўтказилган) Адлия вазирининг 2002 йил 2 октябрдаги 141-мх-сон буйруги билан чикарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия хисобининг миллий стан дарти (БХМС №21) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия хисоби хисобвараклар режаси» ва уни кўллаш бўйича йўрикнома. 1, 2-сон ўзгартиришлар. УзР Молия вазирлиги то-

июнда 930-сон, 2001 иил 29 июнда 930-1-сон, 2001 йил 29 декабрда 930-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).

Адлия вазирининг 2002 йил 23 октябрдаги 148-мх-сон буйруги билан чикарилди. Мазкур норматив-хукукий хужжатлар амалдаги конунчиликка ўзгаришлар киритилиши ва янги меъёрий хужжатлар қабул қилиии муносабати билан давлат реестридан чикарилди

III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идораларининг вояга етмаганларга ижтимоий-хукукий ёрдам кўрсатиш марказлари тўгрисида низомни тасдиклаш хакида» Ўзбекистон Республикаси Ички иш зирининг буйруги. 2. «Ўзстандарт» агентлигининг Стандартлаштириш ва метрология

худудий бошкармаси тўгрисида намунавий низом. Ўзстандарт агентлиги томонидан такдим этилган. 3. «Ўзстандарт» агентлигининг Республика метрология маркази

тўгрисида ва «Ўзстандарт» агентлигининг Синаш ва сертификатлаштириш республика марказининг низоми. Узстандарт агентлиги томони-4. «Тижорат банклари томонидан фукароларни банклардаги омо-

ар такдим этиш тартиби тўгрисида низом» Ушбу хужжатлар умумий мажбурий тусга эга эмас, шунинг учун улар белгиланган тартибда мазкур вазирлик ва идоралар томонидан тасдикланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия ва-

зирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий хужжатларда амалдаги қонун хужжатларига зид қоидалар

IV. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси саноат темир йўл транспортини техник ишлатиш қоидаларини тасдиқлаш тўгрисида» Уздавтемирйўлназоратнинг буйруги.

2. «Хорижий фармацевтика компаниялари томонидан товар кредити буйича олинган дори воситалари, препаратлар ва буюмларнинг давлат даволаш-профилактика муассасаларида таксимланиши, берилиши, хисоби ва максадли фойдаланишиши устидан назорат килиш коидаларини тасдиклаш тўгрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирти, Соғликни саклаш вазирлигининг қарори. 3. «Ёшларнинг ижодий ва тадбиркорлик фаоллигини рагбатланти-

риш худудий жамғармалари тўғрисида намунавий низомни тасдиклаш хакида» Узбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий мухофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халк таълими вазирлиги, Давлат мулки кўмитаси, «Камолот» ижтимоий харакати, «Маънавият ва маърифат» Республика кенгашининг қарори. 4. «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ўкитишнинг

тўлов-контракт шакли ва тушган маблагларни сарфлаш тартиби тўгрисида низомни тасдиклаш хакида» Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг қарори.

5. «Автомобиль транспортида юкларни ташишда мехнат мухофазаси қоидаларини тасдиклаш тўгрисида» Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтомоий мухофаза килиш вазирлигининг буйруги. 6. «Узбекистон Республикаси банкларида кам бахоли ва тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерлик хисоби буйича йурикномани тасдиклаш тўгрисида» Узбекистон Республикаси Марказий банкининг каро-

. «Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларни бухгалтерлик хисоби бўйича йўрикномани тасдиклаш тўгрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарори. 8. «Ўзбекистон Республикаси банкларида номоддий активларнинг

бухгалтерлик хисоби бўйича йўрикномани тасдиклаш тўгрисида» Узбекистон Республикаси Марказий банкининг қарори. 9. «Ёг-мой саноати корхоналарида газ билан боглик хавфли ишларни ташкил этиш ва ўтказиш қоидаларини тасдиклаш тўгрисида» Саноатконтехназорат агентлигининг қарори.

 «Ег экстракциялаш ишлаб чикариши учун авария холатларини локализациялаш режаларини ишлаб чикиш буйича йурикномани тасдиклаш тўгрисида» Саноатконтехназорат агентлигининг қарори. 11. «Éғ экстракциялаш ишлаб чиқариши учун хавфсизлик қоидаларини тасдиклаш тўгрисида» Саноатконтехназорат агентлигининг каро-

Тақдим этилган хужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ва улар меъёрий хужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Давлат руйхатидан утказиш рад этилган меъёрий хужжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари хисобга олинган холда қайта ишланган тақдирда давлат руйхатидан утказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.

Хукукий экспертизадан ўтказилмокда;

1. «Ўзбекистон Республикаси фукаро авиациясининг авиация таркибини тиббий гувохлантириш тўгрисида низомни тасдиклаш хакида Дававианазоратнинг буйруги.

2. «Божхона органлари томонидан товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ташки иктисодий фаолият товар номенклатурасига мувоклигини таснифлаш тўгрисида дастлабки карор кабул килиш тартиби тўгрисида низомни тасдиклаш хакида» Ўзбекистон Республикаси

рожхона кумитасининг карори 3. «Товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва товар келиб чиккан жой номидан фойдаланиш хукукини бериш учун талабномани тузиш, топшириш ва куриб чикиш коидаларини тасдиклаш тугрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг буйруғи. 4. «Товар белгиси ва хизмат курсатиш белгисини руйхатдан утказиш учун талабномани тузиш, топшириш ва кўриб чикиш коидаларини

тасдиклаш тўгрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг буйруги. 5. «Тарбиялаш (патронат) учун оилаларга бериладиган етим болаларни кийим-бош ва пойабзал билан таъминлаш хамда болани ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга хар ойлик нафака тулаш тартиби тўгрисида низомни тасдиклаш хакида» Узбекистон Республикаси Халк

таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг карори. 6. «Етим болаларни ва ота-она каровисиз колган тулик давлат таъминотидаги болаларни пул нафакалари хамда кийим-бош, пойабзал ва анжомлар сотиб олиш учун нафакалар, шунингдек транспортда юриш карточкалари билан тарминлаш тартиби тугрисида низомни таслик лаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Мо-

суб ўкувчиларни бепул кишки кийим-бош тўплами билан таъми тартиби тугрисида низомни тасдиклаш хакида» Узбекистон Республикаси Халк таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг карори. натларини кафолатлаш фондига мажбурий бадаллар тулаш ва маълу-8. «Суғурта агентлари тўгрисида низомни тасдиклаш хакида» Узбестон Республикаси Молия вазирининг буйруги. (янги тахрирда) 9. «Узозиковкаттаъминот» ДАК томонидан эркин алмаштирила;

7. «Умумтаълим мактабларининг кам таъминланган оилаларга ман-

ган валютада импорт килинган товарларни сотишдан тушган тушумларни конвертация килиш тартиби тугрисида низомни бекор килиш хакида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирли 10. «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қумитасининг «Хорижий инвесторлар томонидан улар сотиб оладиган акциялар пакетлари

лаш хакидаги карорига ўзгартириш киритиш тўгрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кумитасининг карори. 11. «Театр-концерт тадбирларини ўтказишда фонограммадан фойпаниш тўгрисида маълумотни такдим этиш коидаларини тасдиклац хакида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чикариш ва ракобат-

ва объектлар учун хак тулаш шакллари тугрисидаги низомни тасдик-

ни ривожлантириш давлат кумитасининг буйруги. 12. «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан радиоэлектрон воситалар ва юкори частотали курилмаларни олиб кириш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўгрисида» Ўзбекистон алока ва ахборотлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат

божхона кумитасининг карори. 13. «Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси оркали олиб келинадиган истеъмол товарларининг рўйхатига кушимчалар киртиш тўгрисида» Узбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат божхона кўмитасй, Молия вазирлиги ва Ташки иктисодий алокалар агентлигининг қарори.

Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал килаётган куйидаги меъёрий хужжат аникланди

1. Болаларнинг болалар яслилари, болалар богчалари ва ясли-богчаларда таъминланишлари учун тўлов хисоблаш ва ундириш тартиби тўгрисидаги йўрикнома ва ўзгартиришлар. ЎэР Халк таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Мехнат ва ахолини ижтимоий мухофаза килиш

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий хужжатлар кучга кирмаган хужжат сифатида хукукий окибатларга олиб келмайд хамда тегишли хукукий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фукаролар, мансабдор шахслар, корхоналар ва ташкилотларга бирор-бир жазо кўллаш учун асос булиб хизмат қилмайди. Юқорида курсатилган меъёрий хужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли вазирликларга ушбу хужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш

Кучини йўкотган деб эътироф этилди ва ижродан чакириб

1. Бюджетга тўловлар юзасидан қарзни тўлаш бўйича схемалар (кейинчалик тулдириш хукукисиз Фаргона нефтни кайта ишлаш заводи томонидан бюджетга туланадиган маблаглар хисобидан). УэР Давлат солик кумитаси ва «Узбекнефтегаз» МХК томонидан тасдикланган. 2. Бюджетга туловлар буйича қарзни тулаш схемалари (кейинчалик қоплаш хуқуқисиз бюджет фойдасига Фарғона нефтни қайта иш-

лик кумитаси ва «Узбекнефтегаз» МХК томонидан тасдиклан Ушбу хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги такдимномаси асосида давлат рүйхатидан утказилмаган хамда амалдаги қонунчиликка зид хужжат сифатида кучини йўкотган деб эътироф этилди ва ижродан чакириб олинди

лаш заводи томонидан туланадиган улуш хисобидан). УзР Давлат со-

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги нинг Идоравий меъёрий хужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошкармаси томонидан тайёрланди.

Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28.

Жиззахда Абдумурод Султоновни билмайдиган одам кам. Эсини танибдики. югуради. Баъзиларга ўхшаб «амал кетидан» ёки «бойлик орқасидан» эмас, хамманинг кўз ўнгида, эрта тонгда шахарнинг кенг кўчалари бўйлаб 8-10 километрлаб югуради. 35-40 йилдан буён кўхна вохада бирор марафон у кишисиз ўтмаган, дейишса

хеч иккиланмай ишонаверинг.

Республикамиз мустакил бўлгач, 11 йилдан буён муттасил «Москва-Нижний Новгород» бўйлаб ўтказиладиган анъанавий Халқаро тинчлик марафонида Ватанимиз байрогини кўтариб 45-50 мамлакат спортчилари билан ёнма-ён югуради. Ўтган йили айни пайғамбар ёшида бир неча жахон ва олимпия чемпионлари билан тенгматенг югурганини сафдошлари ўзгача завкланиб гапиришади. Спортчи хонадонидаги

ГУДУНГИМИЗ УНИНГ ОИЛА аъзолари - жонкуяр-спортчилар билан мамлакатимизла ташкил этилаётган Болалар спортини ривожлантириш



«ХОЗИРГИ БОЛАЛАРГА ХАВАСИМ КЕЛАДИ»

нинг «Узбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўгрисида»ги Фармони ва Вазирлар Махкамасининг бу борадаги қарори спорт сохасидаги 41 йиллик мехнат фаолиятим даврида кўп орзу қилган хужжат бўлди, - дейди фахрий спортчи А.Султонов. - Мактабда ўкитувчи, спорт даргохларида услубчи бўлиб ишлаганимда хам, вилоят спорт қумитасида раис ўринбосари лавозимини эгаллаганимда ҳам болалар спортига эътибор, гамхўрлик накадар зарурлигини хар қадамда хис қилганман. Оддий фукаро сифатида 5 нафар **У**ЕЛИМНИ СПОРТЧИ КИЛИБ ТАРбиялаш жараёнида бундай эътиборнинг ҳаётий зарурат эканлиги бошимдан ўтган, Киска фурсатда спортчила-

ри жахонга юз тутиб улгурган мамлакат келажаги учун ҳеч муболагасиз катта пойдевор бу. Уткир Султонов, Жиззах ту-

манидаги О.Икромов номли мактаб жисмоний тарбия ўкитувчиси, 1-лига «Жиззах» Менга Болалар спорт

жамғармасининг хатто хорижий ташкилотлар учун очик бўлган Халқаро нохукумат жамоат ташкилоти бўлиши, айникса, маъкул бўлди. Бу унинг имкониятлар кўламини оширади. Мамлакатда болалар спортини аник максад йўлида барқарор ривожланишига

Рости, жуда кўп мактабларда дарс ўтиш учун спорт ин-шоотлари етишмайди. Дарсдан ташкари, машгулотларни-ку қўяверинг. Махаллаларда хам спортга деярли шундай муносабат. Бўлмаса Бахтиёр акамнинг шогирдлари тарқаб кетмасди. Яхшиси, бу ҳақда ўзи

гапириб берсин. Бахтиёр Султонов, «Жиззах» мини футбол жамоаси мураббий-ўкитувчиси:

миздаги 10-11 ёшли болаларни

5-6 йил олдин кишлоги-

йигиб, футбол билан шугуллана бошладим. Пул тўплаб, кийим, копток олардик. Футбол майдони, қушимча майдончаларни ўзимиз жихозладик. Хаммаси яхши эди. 2-3 йилдан сўнг хўжалик, турмуш ташвишлари боис болаларнинг купчилиги маштулотларга келмай қуйишди. Менга хам «Биров сенга хак бермаса, нима қиласан бошинтни қотириб, тирикчилигингни қилсанг булмайдими?" деганлар кўп бўлди. Ўша йиллари мен билан шуғулланган Марат Алматов, Шавкат Орипов кабиларнинг катта футболда туп суришаётганини ўйлаб, мехнатим зое кетмаганидан кувонаман. Бизга озгина далда бўлганида, машгулотларимиз анъажак жамғарма ана шундай спортсевар ёшларга мадад бўлишини эслаб, хозирги болаларга

хавасим келаяпти. Абдумурод Султонов: Қарор бўйича барча шахар, туман хокимликларида унинг ижросини таъминлашта масъул етакчи мутахассислар ажратилиши айни муллао булибди. Илгарилари хам сохани ривожлантириш хакида карорлар бўларди-ю хаммаси когозда колиб кетарли. Энди-

ги гап жамгармага жонкуяр

«Халк сўзи» газетасида «Дехконбой чавандознинг армони» сарлавхали маколаси чоп

этилгандан сўнг Тошкент вилояти, Ўрта Чирчик тумани, «Янги тўлкин» ширкат хўжалигида

мутахассисларни танлаб қўя билишда, энг қуйи табақаларда қарор ижросининг бажарилишини таъминлай билишда.

Гайрат Султонов, Олимпия захиралари коллежида сузиш буйича мураббий:

Жиззахда бизнинг коллеждай кошоналарнинг барпо этилиши - мустакиллик йилларида спортга, ёшларга бўлган муносабат махсули. Фармонда алохида таъкидланганидек, оммавий спортни ривожлантириш учун истикомат жойларида техникавий жихозланган болалар спорт комплекслари ташкил этилиб, турли сохалар буйича кўплаб спортчилар етишиб чикиши аник. Улар орасидан энг кучли, чакконларини коллеж. институтларга танлаб олиш имкониятлари кўпаяди. Кўпчилик ичидан чиккан ва танлаб олинганларгина спортда катта ютуқларга эришиши мумкин.

Абдумурод Султонов: Олдинги йили қушни қишлоқдаги мактабга бориб, 8-9-синфлардаги жисмоний тарбия дарсларини кузатдим. Болаларнинг соглом, бакувват, куч-кувватга тулган сумбатлари завкимни келтирди. Уларнинг буйлари 185-190 сантиметр келарди. Болалар билан сухбатлашиб, машгулотларга қатнашишини маслахат бердим. Туманимиз бир умр яхши баскетболчиларга ёлчимаганини айтдим.

Уйидагилар рози бўлишмабди. Дарсингни қил, молни боқ. дейишибди. Хозир йигитларнинг купчилиги бекор юришибди. Афсуски, кишлокларда бундайлар кўп. Демокчиманки, мазкур хужжат ана

шундай ёшларни тўгри йўлга бошлашда айни муддао бўлди. Асқар Султонов, Бокс буйи-

ча 2 марта Узбекистон чемпио-

ни, Марказий Осиё ўйинлари бронза медали сохиби: 2000 йилги ғалабамдан кейин профессионал булишта карор килдим. Россия ва Японияда рингга чикиб, икки сафар хам голиб булдим. Шундан кейин мухлисларим купайганидан купайди. Айникса,

ёшлар кандай килиб шу дара-

жага етганимни сўрашгани Куруқ орзу ҳавас, ҳавойи ҳизиҳиш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Дадам, акаларим билан нечогли тер тўкиб, кечани кеча, кудузни кундуз демай ойлаб, йиллаб шуғулланганимни қайси бирига айтасиз.

Ишончим комил, қишлоқ жойларида айниқса, тоғли худудларда чиниққан, кучли, ишлаб, югуриб чарчамайдиган ёшлар кўп. Фақат улар билан шуғулланиш керак. Болалар спорти жамғармаси ўғил-қизларга катта имкониятлар бериши, шубхасиз. Узим хам 22 ноябрда Таиландда буладиган навбатдаги 8 раундли жанггимдан сўнг форишлик ёшлар билан бокс секцияси очиш ниятим бор. Дадам, акаларим ёрдамида Узбекистонимизни оламга машхур этадиган шогирдлар тайёрласам, дейман.

> Бахриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Нўъмонжон **МУХАММАДЖОНОВ** сурат-лавхаси.

BATTAH

Ватан, бу — аждодлар бош қуйған тупроқ, Она алласига айланган оханг.

Эрк туғин кўтариб бош узра кушод, Ташна юракларда наъра тортган жанг. Ватан, бу — ўзингиз ўстирган нихол,

Узингиз қазиган уйғоқ дарёлар. Азиз багрингизда асраб ўзингиз, Хатто гард қўндирмай қурган дунёлар. Шу Ватан бор бўлса,

бизлар хам тирик, Рухимиз чиркираб етим колмагай. Юрт ишқи кўпирган қон тоза бўлса, Шайтон дилимизга гулу солмагай.

Бағримиз қиздирган мехр тафтидан Лоқайд кўнгилларга гулхан ёкайлик. Қани, қўлни беринг, титрамай дадил, Ватан шаъни учун жонни тикайлик.

Абдухалил КОРАБОЕВ

Телефон **Качон** яратилган?

Илгари асосан чопарлар воситасида алоқа боғланған. Езув пайдо булгандан кейин улар хат ташийдиган булишди. Ота-боболаримиз тоғ чуққилари, баланд кирлар, калъалардаги минораларда машъал ёкиб, ё махсус белгилар ёрдамида алоқага чикишган. Ишлаб чикариш кучлари ўсган сари, алоқа воситалари хам тобора такомиллашиб борди ва нихоят 19 аср урталарига келиб фан техникада ўзгаришлар содир бўлди. 1832 йили рус олими П.Шилнинг биринчи телеграф аппаратини ихтиро қилди. Орадан беш йил ўтгач америкалик С. Морзе ўз «аппарати» ни яратди. 1843 йилдан бошлаб С. Морзенинг аппаратлари асосида шахарлараро биринчи телеграф

алоқалари ўрнатилди. 1876 йилда А.Белл Филадельфиядаги кўргазмада ўзи кашф этган телефонни намойиш қилди. Дастлабки телефонлар бир жуфт симдан, хамда махсус электромагнит ғалтагидан иборат булган жуда содда асбоб эди. 1895 йилга қадар телефон ва телеграф алоқаси фақат сим орқали ўрнатилар эди. Уша йили А.С.Попов томонидан радио ихтиро қилингандан сўнггина симсиз алоқа ўрнатиш

Почта алокасида инкилов

Қишлоқ ўқитувчиси жаноб бирида Ирландиянинг кичик шахарчасилаги мехмонхонала тўхтайди. Каретадан тушаётиб, мехмонхона эшиги олдида почтачининг гўзал бир қизга мактуб топширганини кўради. Сохибжамолнинг ўз қаллиғидан келган хат учун пул тўлай олмаслигини эшитиб, унга бир шиллинг хадя килади. Худди шу лахза Хиллнинг хаёлида почта хизмати хакини олдиндан тулайдиган килиш керак, деган

ажойиб бир фикр тугилади. 1837 йил 6 январда у ўзининг почта ислохати хакида лойихасини «Почта махкамаларини ислох килиш ва ошириш йўллари» номи билан рисола тарзида эълон қилади. Унга кўра, бир томони елим суртиб, конвертга ёпиштириб қуйиладиган ва почта мухри босиладиган кичкинагина когозча жорий килинади. У бугунги почта маркасининг ўзгинаси эди. Лондонда 1882 йили Роуленд Хиллга қуйилган ҳайкал хозирги кунда хам унинг хизматлари катта ахамиятта эга эканлигини эслатиб туради.

етиб бўлармиди? «Улоқ Баён-

да, улоқ Баёнда». Зум ўтмай

чавандоз улоги билан маррада

Видолашув

Дебиз билан Баён узок йил-лар бир-бирлари билан худди

кузмунчокдек ярашикли юрди-

лар, пойгаларда чопдилар, ту-

ёкларидан ўт чақнаб югурди-

Бу машъум вокеа 1964 йил-

Баён ана шундай зотдор ва

хозир булди.

номдор эди.

Кунлардан бир куни Мухиддин қизиқ

OAUWHU BUA, Бўлишни...

Кунлардан бир куни Мухиддин қизиқ машинасида кетаётса назоратчи тўхтатибди. Нега энди сиз тезлик чекланган жойда саксонда кетяпсиз?

Дағдаға қилибди назоратчи. Қизиқчи қараса ахвол чатоқ, гувохномадан ажраладиган. Шум-

Э, битта жумбоқни ечолмай ўйланиб, тезлаганимни хам сезмай қолибман. Кечиринг энди, укажон, — дебди. Қанақа жумбоқ экан? — назоратчи қизиқиб сўрабди.

 – Қаранг, уқа, иккини иккига қушсак турт булади-а? Иккини иккига қупайтирсак ҳам турт, тугрими? – уста астойдил тушунтира кетибди. - Аммо учни учга қушсак олти булади,

кўпайтирсак тўққиз, нега шунақа? Назоратчи ола таёги билан ерга ёзиб, хисоблай кетибди. Иккини иккига қушсақ ҳам, купайтирсақ ҳам турт буларкан... Аммо..

Шу пайт назоратчининг шериги келиб қолибди. Нима гап? - сўрабди у.

Кара, дўстим, иккини иккига қўшсак хам, кўпайтирсак хам тўрт бўларкан. Аммо учни учга қўшсак олти бўларкан, кўпайтирсак тўққиз, нега шунақа?

Шериги чаккасини қашлаб ўйланиб турибди-да, қўл силтаб-Олишни бил, булишни бил, купайтириб нима киласан!

Хумбош

Мухиддин қизиқ шогирди Мансуржон Охунов билан дам олгани тоққа чиқишибди. Каклик овини эртага қолдириб, уйқуга кетишибди. Ярим кечаси қизиқ уйғонса, осмонда юлдузлар чараклаб ётганмиш

 Мансур, ҳов, Мансур! — деб баралла хуррак тортаётган шогирдини уйготибди. — Улиб қолдингми, тур! Тинчликми, уста? - шогирди юракдан чикариб эснаб

Мана бу тепамизда чарақлаб турган юлдузлар нимани

Бу юлдузларми? — Мансуржон осмонга тикилиб, донолик билан жаврай кетибди. — Хавонинг очиклигини, эртага куёшнинг чарақлаб чиқишини, овимиз бароридан келишини билди-

Донишманд булмай кет! - устанинг жахли чикибди. - Юлдузларнинг тепамизда чарақлаб тургани — устимиздаги палаткани ўгирлаб кетишганини билдиради!..



«Дўст» дейдиган odam uyk

Уринбой деган оғайним бор. Унинг номига "ўртар" сўзини қушиб айтишади. Юрсаям, турсаям, ҳатто ухласаям шу қушиқ-ни хиргойи қилгани-қилган. Қушиқ жанивор ҳам ҳеч тугамайди! Салом-аликниям "ўртар" билан қилади:

- Ха, Мухиддин, тузукмисан?.. Агар ошиклигим айтсам... Бола-чақаларинг яхшими? ... куюб жоним жахон ўртар. Ха, энди бизам юрибмиз. Бу ишқ сиррин баён этсам... Ишларам ёмон эмас... таки ул хонумон ўртар. "Дуст" дейдиган одам йук!

— Шахарга бориб бир пивохўрлик қилиб келмаймизми? Бу дард ила хароб ўддум... Мени бошим хам чаток... келиб холимни сўрмайсан... Уйланма. Ғами бошқа, алам бошқа... Кетдик. .. юрагимни фигон ўртар.

"Пат-пати" нинг орқасига мингашдим. Қушиғи босиқ булсаям араваси учиб кетаркан-эй! "Секинрок юр!" деганим сайин Бу ракета-да, ракета!

Ярим йулга борганда "ракета" негадир "гийқ" этиб тухтади. — Ха, тинчликми? — деб сурадим. Бу Машраб дардини жонон... Пинжагимни тескари килиб

кийиб одай... хеч ким бошиға солма. Тугмаси йўқ. Агар мақшарда ох урсам... Шамол кукракни тешиб юбораман деяпти... бехишти жовидон ўртар. Агар ошиклигим айтсам.

Яна учиб кетдик. Нимадир "тарақ" этиб кейин йиқилдикми, ё аввал йикилиб, кейин тарақладикми, билмайман. Кузимни очсам зовурнинг ичида ётибман. Унг оёкни кутариб, каллани буриб бўдмайди. Атрофга қарасам "ўртар" йўқ. Эмаклаб бир илож қилиб зовурнинг ичидан чикдим. Уринбойи тушмагур зовурдан "учиб" ўтиб, тутқаторга бориб тушган экан. Осмондан тушдими ё ердан чикдими, тепасида иккита шифокор хам ту-

Қара-я, калласи тескари булиб қолибди-я! - деди улардан

- Шуни айт! Узиям икки юзда келишаётганмикан, билма-- иккинчиси уни кувватлади. Калласини тўгрилаб қўяйми? — биринчи шифокор Ўрин-

бойга ёпишди. - Сен орқасидан босиб тур! Маҳкамроқ, маҳкамрок, яна озгина... Бураяпман! Ана, бўлди! Калласи ўнгланди. Мабодо оёклари хам алмашиб колмадимикан? Агдар-чи! Шериги "ўртар" ни огдарганди, билагон шифокор бир сакраб

 Ие! Боплабмиз-ку! Калласи тўгри пинжаги тескари экан! "Дўст!" дейдиган одам йўк.

Саид АНВАР окка кучирди.

Саёхатчи бир кишидан сўра-



 Кечирасиз, биз сизни ишга ололмаймиз. Бизда қиладиған иш йўқ. — Жаноб бошлиқ, менга хам худди шундай иш керак-да ўзи.

- Шахрингизда оламга машхур олимлардан бирортаси ту-Йуқ, бу ерда фақат чақалоклар тугилади.

Муаллиф танкидчидан сўради: жойини ўзгартириш керакдир? — Сиз бош қахрамонни отиб эмас, осиб ўлдиришингиз лозим.

Негаки милтикнинг кар-силлаши томошабинларни уй-готиб юборади.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР: Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши

Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси

> Бош мухаррир: Аббосхон **УСМОНОВ**

Тахрир хайъати:

э. БОЛИЕВ (масъул котиб -

«Халқ сўзи»), м. егоров Ш. ЖАББОРОВ

(бош мухаррир ўринбосари - «Халқ сўзи»),

М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ,

М. САФАРОВ,

Р. ФАРХОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ,

и. ШОГУЛОМОВ, О. ҚАИПБЕРГЕНОВ

(бош мухаррир ўринбосари «Народное слово»).

ў. хошимов.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий хаёт — 133-57-34: 133-78-92

136-36-65; 132-10-65

136-35-60; Газетхонлар билан алоқа ва минтакалар

136-29-89, 133-07-48; Фан, соғликни сақлаш, таълим ва туризм

132-12-08; Янгиликлар ва халкаро хаёт

132-11-15;

133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Узбекистон Республикаси Давлат матбуот кумитасида 00001-ракам билан рўйхатга олинган.

Буюртма $\Gamma - 977$. 27225 нусхада босилди. хажми — 2 табок. Офсет усулида босилган. **Когоз бичими А-2**

Газета тахририят компьютер базасида терилди хамда операторлар Ж. ТОГАЕВ ва 3. БОЛТАЕВ томонидан сахифаланди.

Навбатчи котиб -Ю. ХАМИДОВ. Навбатчи мухаррир Ф. САНАЕВ. Навбатчи -С. ДОНИЁРОВ. Мусаххих -Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шахри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда хажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t — тижорат материали.

«Шарк» нашриётматбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вакти — 21.00. Топширилди — 22.30 1 2 3 4

истикомат килувчи бир гурух уруш ва мехнат фахрийларидан Косим ота Охунбеков, Дехконбой ота Мамбетов ва Тошмат ота Усмоновлар муаллифга мурожаат қилиб, бу хаётий тарихнинг яна давоми борлигини, ўша машхур Дебизнинг биринчи зурриёди Баённинг хам такдирини яхши билишларини (аслида Дебиз ўзидан 36 та зурриёд қолдирган) айтиб, ота-бола пойгачи отлар такдири тўгрисида яна кизикарли вокеаларни хикоя Шундай қилиб, табаррук ёшли отахонларнинг иштироки, кўрган, билганлари, хаётий

Дупур, дупур, дупур... Дукур, дукур, дукур...

хотиралари асосида от йилининг ушбу хикоялари битилди. Биродарлар, эшитаяпсизми, дукурлатиб отлар келаётир, ўша беозор зотлар чопаётир. Доимо инсонларнинг садокатли дустлари булиб келган отлар дупури эса йиллар каъридан

ди, қочиб овора бўлма, чопиб абгора бўлма». Баён мисли қуюн эди, қуюнга эса етиб

булармиди?
1945 йил... «Ислохот»
(хозирги Туйтепа)да катта
купкари булди. Унда вилоятнинг энг сара чавандозлари қатнашдилар. Дебизда Соти-болди чавандоз, Баёнда эса Тошмат чавандозлар чопдилар. Устоз, шогирд ота-бола отдарда мардона ўтиришарди. Соврин ҳам катта эди — бир ҳўкиз, бир тўн, минг сўм пул.

Бакаулнинг овози эшитил-

Баён — ёдларда аён...

Ойдин тун каромати

Уша машхур Дебиз куп йиллар пойгаларда фақат совринли ўринларни кўлга киритиб келди. Хатто республика, Иттифок микёсида машхурлигини саклаб колди. Дебиз — халқимизнинг энг севимли, чопқир ва куркам жониворига ай-ланди. Дебиз билан Айнанинг биринчи зурриёди — Баён туғилганида, жуда сергак туриш-ган. Уни авайлаб, гиламда туғдириб олиштан экан. Пойга-чи отларни тарбиялайдиган, тўгрироги совутадиган чаван доз Сотиболди Эшов хуп ажойиб мўъжизаларнинг гувохи бўлган. Сотиболди чавандозга отлар пири йўликкан, дейи-щади. Чунки факат угина машхур ва пойгачи отларнинг совутиш сирларини билган. Сотиболди чавандоз бири-биридан хушқомат, абжир, кўрган кўзларни кувонтирадиган Де-биз, Баён, Оқ ёл, Вараган, Юлдуз сингари отларни совутишнинг жуда машкини олган эди. Унинг тарбиялаган отлари хеч қачон пойгаларда ютқазмаган. Сотиболди чавандоз туну кун отхонада эди, ухламасдан парваришларди. Хамма уйкуга кетган вақтда отларни қозиқдан олиб, аста-секин лукиллатиб чоптирарди, кейин ерга ағанатиб-ағанатиб оларди. Сунгра каттикрок югуртириб, роса тер-га ботиргач, олиб келиб богини киска килиб боглаб куяр-ди. Обдон териси котиб, ховуридан тушгач эса баданини илик сувда артиб, кейингина



ем сувини берарди. Бу чавандознинг қулидан кишмиш еб. қанд ялаган отлар эса суқсурдай бўларди.

Айтишларича, унинг айни йигитлик чогида бир мўъжиза рўй берган. Отлар бир йилда фақат бир марта кавш қайтараркан, буни купчилик билса. купчилик билмайди. От кавш қайтарганда бадани товданиб. кўзлари ёниб кетаркан. Бу жараён кўз очиб юмгунча ўтиб кетаркан. От девлар зотидан эмасми, худди канот чикариб учиб кетадигандек холатга тушаркан. Ушанда от парилари қозир булиб, отхона нурга тулиб тураркан. Бу қолатни курган одам телбанамо ё шурпешона, хушбахт ё доно, ё

Дебизнинг кавш қайтарға-

нуктадон бўларкан.

нини кўрган йигитга асл чавандозлик насиб этди. Умрини шу беозор отларга багишлади, давралардан қанча-қанча улоқларни олиб чиқди, ютди, ютқазмади. Халқ купкариларида факат биринчи бўлиб, эл чавандозига айлан-ди. Сотиболди чавандоз ўз Дебизи билан машхур булган булса, севимли шогирди Тошмат Усмоновга Баёнда бахс бойлашиш насиб этди.

Куюнга етиб бўлмайди Баён абжир, бир сулув от

бўлди. Ана шу отларга орқа қилиб. бир таърифу тавсиф юрарди: «Янги тулқин отлари

кувса етали, чопса етказмай-

лар орасидан Дебиз кукраги билан ёриб ўтиб. улоққа биринчи булиб етиб келди. Сотиболди чавандоз гоят чакконлик билан улоқни олиб, тақимига босди. «Улок Дебизда, улоқ Дебизда кетди», — деган овозлар эшитилди. Не-не чавандозлар умид билан улокни торткилашарди, аммо харакатлари зое кетди. Дебиз тудани ёриб, марра сари интилди ва етиб келди: «Халол. Дебизники халол» деган хитоблар атрофни тутиб кетди. Навбатдаги соврин эълон қилинди. Бунисига бир туя,

зарбоф тўн, икки минг сўм пул. Бу гал Сотиболди чавандоз тудага кирмади, навбатни Баённи гижинглатиб турган шогирди Тошмат чавандозга берди. Баён устидаги чавандозга эса ўйлаб борарди: «Улокни кулга олсам бас, Баёним мени тўдадан эсон-омон олиб чика-ди, ё раббим, ўзинг қўлла»... Бу гал хам худли шундай булди. Тошмат чавандоз улоққа қул чузди, аммо бармоқлари муаллақ қолди. Шун

да хаммани хайратга солган бир вокеа содир булди. Баён кумакка мухтож булиб турган эгасига ёрдам берди. Бу аклли жонивор бир зум тиз чукди ва эгаси улоқни олгунча жим тур-ди, аслида чавандозга катта кумак берди. Эгаси улокни олган хамонок, тўдани ёриб бораверди. Баён чарсрок эди, ўнг томонга қайтмас эди. Бу гал ўнг томондан тўда унга ёпишаверди. Аммо қуюнга

да. Хосил байрамида содир булди. Ушанда халқ катта сайлга чикиб, машхур санъаткорларнинг чикишларини мириқиб томоша қиларди. Бирдан отхонадан гуриллаб ёнгин чика бошлади. Бехосдан ўт тушлими ё... Бу энди ёлгиз Оллохга аён эди. Отхона аёвсиз ёнарди. Халқ беихтиёр қалқиб кетгач, пойга бошланди. Туда улоққа талпинди. Саноқсиз от-

ди, ахир у ерда отлар бор, яна кадрдон Дебиз, Баён... Ким челакда сув ташиган, ким тупрок ташлаган. Шунда отхонанинг тепасини ўйиб туширишга қарор қиладилар, лекин бу йул оловнинг ўрлаб ичкарига киришига замин яратарди, холос. Шунда халқ ёқасини ушлагани рост, отларнинг энг чопкири аслида икки метр баландликдаги тўсикдан сакраши мумкин. Ушанда аввал Баён, кейин эса Оқ ёл. Вараган. >лдузлар уч метр баландликка сакраб, олов қаърини ёриб никканлар. Шу отлар чикиб бўлгачги-

на сунгги навбатни Дебиз узи-

га сақлаб қуйган чоғи, 3,5 метр баландликка сакраб чикканида унинг селкиллаган, чиройли ёллари хам ёниб борарди. Ёнаётган от... Чопаётган от... Уни хеч ким кувиб ета олмади. Хатто чавандозлар хам. Орадан уч кун ўтгачгина Дебизни катта канал ёкасилаги ботқоқликка ботиб қолған холда топадилар. Уни ювиб, тараб, парваришлай бошлайдилар. Доимо қуюндай учиб, хушкомат юрадиган Дебиз оксокланиб, мунгайиб қолған эди. Кўзлари мунгли бокарди. Айтишларича, уни сўнгги бор Баён билан хидлашиб турган пайтда кўриштан. Бу унинг сунгги видолашуви эди. Ха, беозор, номдор ва зотдор Дебиз, Баёнлар от спортига қушган муносиб хиссалари билан янги тулкинликлар ёдида хамиша аёндир.

Мухаммад КАРИМ.